

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

СЕИТНИЯЗОВ КАМАРБЕК ПАРАХАТОВИЧ

Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга ошириш муаммолари

5А80103- Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процессуал ҳуқуқи;
халқаро хусусий ҳуқуқ

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

юримик фанлар доктори,

доцент Н. Ф. Имомов

ТОШКЕНТ – 2014

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I боб. Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик тушунчаси ва унинг аҳамияти, вакиллик муносабатларининг субъектлари

1.1. Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик тушунчаси ва унинг аҳамияти

1.2. Фуқаролик ҳуқуқида вакил ва ваколат берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

II боб. Фуқаролик ҳуқуқида вакилликнинг турлари

2.1. Фуқаролик ҳуқуқида вакилликни турларга бўлиш меъзонларининг умумий тавсифи

2.2. Фуқаролик ҳуқуқида вакилликнинг турлари: умумий ва махсус, шартномавий ва қонуний вакилликнинг моҳияти

2.3. Тижорат вакиллигининг ўзига хос хусусиятлари

III боб Вакиллик муносабатларида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қўлланилиши ва вакилликнинг бекор бўлиши

3.1. Вакилликдан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва чоралари

3.2. Фуқаролик ҳуқуқида вакилликнинг бекор бўлиш асослари ва тартиби

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ҳуқук нормаларининг энг асосий вазифаларидан бири жамиятдаги шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, уларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бундай вазифани амалга оширишда фуқаролик ҳуқуқининг, айниқса, ундаги вакиллик институтининг ўрни аҳамиятлидир. Чунки, вакиллик институти қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширади:

- субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди;
- шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга ёрдамлашади;
- шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олади;
- субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш, яъни вакиллик жамиятдаги ёрдамга муҳтож бўлган қатламнинг манфаатларини муҳофаза этишга хизмат қилади. Бундай ёрдамга муҳтож бўлган қатлам сифатида вояга этмаганлар, руҳий касаллиги ёки соғлиғи ёмонлиги туфайли васий ва ҳомийга муҳтож шахслар ёки объектив сабабларга кўра ўз ҳуқуқларини ўзлари амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган шахсларни айтиш мумкин.

Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек «Энг муҳим вазифа – халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ҳамда маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади»¹. Албатта, бунда биринчи галда оиланинг, унда тарбияланадиган ёш авлоднинг комил инсон бўлиши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши, ақлий ва манан етук бўлиб тарбияланиши муҳим

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 14 б.

хисобланади. Айнан шу боис мустақиллигимизнинг илк давридан бошлаб ёш авлод тарбияси, оиланинг мустаҳкамлиги, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож шахсларнинг манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилди ва уларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бунга яққол мисол сифатида 1997 йилдан бошлаб Президентимиз ташаббуслари билан ҳар бир янги йил: “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Қарияларни кадрлаш йили”, “Меҳр-мурувват йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Ёшлар йили” “Соғлом бола йили” каби номлар билан аталиши, шунга монанд давлат дастурларининг қабул қилиниши ва амалга оширилишини айтиб ўтсак бўлади, бу ўз навбатида давлатимизда ижтимоий ҳимоя масаласи устувор йўналишдан бири эканлигидан далолат беради. Мазкур ислохотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ва Оила кодекслари, “Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунларини ва бошқа қонун ҳужжатларини таъкидлаш лозим. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида: “Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур”лигини таъкидлагандилар².

Бироқ қонунчилик ва амалиётни таҳлил этадиган бўлсак, ҳалигача вояга этмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқий ҳолати, умуман олганда, вакиллик институтига оид бир қанча муаммоли ҳолатлар, ноаниқликларнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Бу биринчи навбатда, вакилликнинг

² Каримов И.А. “Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон шаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир” Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи” 2007 йил 8 декабрь.

фуқаролик, оила ва мамурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши, қонунчиликда вакиллик муносабатларини тартибга солувчи нормаларнинг тўлиқ эмаслиги, айниқса тижорат вакиллигида, вакиллик муносабатларидан келиб чиқадиган жавобгарлик масаласида қонунчиликда очиқ қолдирилган ҳолатларнинг мавжудлигида кўринади. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқида вакиллик институтининг ҳуқуқий табиати, унинг турлари, амалга оширилиш шакллари, вакиллик муносабатларидаги тарафларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга нисбатан ягона илмий ёндашув шакллантирилмаган.

Мазкур тадқиқот фуқаролик ҳуқуқида вакилликнинг мазмун-моҳиятини, уни амалга ошириш шакллари ва вакиллик турларининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш, вакиллик муносабатлари субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Чунки вакиллик ўзига хос муҳим вазифаларни амалга оширади. Айнан вакиллик институтининг мавжудлиги барча шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатига эгаллиги ва улар ўз ҳуқуқларини тўсқинликларсиз амалга ошириши мумкинлигини таъминлигининг таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур тадқиқот иши мавзуси танланишининг асосий сабаби - вакиллик институтининг ўзига хос жиҳатларини, ваколат берувчи ва вакилнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, вакилликнинг турларга бўлиш мезонларини кўрсатиш, вакиллик турларининг ўзига хос ва умумий томонларини таҳлил этиш, тижорат вакиллигининг ўзига хос белгилари, вакилликнинг бекор бўлиш асослари ва оқибатлари, вакилликдан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларининг мамлакатимиз доирасида ҳали атрофлича ишланмаганлиги, етарлича илмий тадқиқ қилинмаганлигидир. Мавзунинг назарий ва амалий жиҳатдан муҳим бўлган ушбу томонлари мавжуд ҳуқуқий адабиётларда лозим даражада тўлиқ ва атрофлича тадқиқ этилмаган, аниқроғи, махсус тадқиқотни талаб қилади. Мазкур муаммоларни Республикада амалда бўлган қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳисобга олиб, тадқиқ этиш, ишнинг кўламини, долзарблигини белгилайди. Мазкур

тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган дастлабки магистрлик ишдир.

Тадқиқотнинг объекти – Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга оширишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг предмети–Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик тушунчасини, мазмуни ва уни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқловчи ҳуқуқий нормалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади – Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга оширишнинг назарий ва амалий муаммоларини комплекс илмий таҳлил қилиш, унинг моҳияти, аҳамияти ва мазмунини аниқлаш, шунингдек фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга оширишни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришнинг концептуал йўналишларини мавжуд воқеликдан келиб чиқиб очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- миллий ва хорижий ҳуқуқшунослик фанида вакиллик тушунчаси, аҳамияти, ва унинг ривожланиш тарихини тадқиқ этиш;
- фуқаролик ҳуқуқида вакил ва ваколат берувчининг ҳуқуқий мақомини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари комплекс таҳлил қилиш;
- фуқаролик ҳуқуқида вакилликни турларга бўлиш меъзонлари тизимини тавсифлаш;
- умумий ва махсус, шартномавий ва қонуний вакилликнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;
- тижорат вакиллиги ва ундаги тарафларнинг ҳуқуқий ҳолатини тадқиқ қилиш;
- вакилликнинг бекор бўлиш асослари ва тартибини аниқлаш ва таҳлил этиш;
- фуқаролик ҳуқуқида вакилликдан келиб чиқадиган жавобгарлик асослари ва чоралари кўриб чиқиш;

- фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга оширишни белгилайдиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фуқаролик қонунчилигига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш заруриятини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:

1. Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик тушунчаси, мазмун-моҳияти, ривожланиш тарихидан келиб чиқиб, унинг қўйидагича ўзига хос белгилари кўрсатиб ўтилади: вакиллик муносабатларининг субъектлари ҳар қандай шахс бўлиши мумкин; вакилликдан келиб чиқадиган муносабатларда учдан ортиқ тарафлар иштирок этади; вакиллик институтидаги муносабатлар инсонийлик, ўзаро ёрдам, фуқаролик муносабатларда барчанинг тенг иштирокини таъминлаш ғояларига асосланади; вакиллик ҳақ эвазига ҳам, текинга ҳам амалга оширилиши мумкин; вакиллик фуқаролик, оила, хўжалик, маъмурий ҳуқуқий муносабатларни ўзида жамлаган комплекс ҳуқуқий институт ҳисобланади; вакилликда ваколатлар ҳуқуқий ҳужжатлар ва шартномалар билан аниқ тарзда белгиланади; вакилликнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши ҳар хил объектив ва субъектив юридик фактларга боғлиқ ҳисобланади; вакиллик институти шахсларга фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишдаги юридик ёрдамнинг ҳуқуқий асосидир.

2. Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик тушунчасини ҳуқуқий категория сифатида таҳлил қилиб, муаллиф вакиллик тушунчасига қуйидаги таърифни таклиф қилади: вакиллик қонуний асосга кўра вакилнинг ваколат берувчи манфаатини кўзлаб, унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтириши, ўзгартириши ва бекор қилишга қаратилган ҳаракати ҳисобланади. Бундай таъриф фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга ошириш натижаси-статик ва динамик хусусиятга эгаллигини англатишини таъминлайди.

3. Фикримизча, вакиллик муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни иккига бўлиб тадқиқ қилиш лозим:

- 1) ваколат берувчи ва вакил ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар;
- 2) учинчи шахсларга нисбатан вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

4. Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқида вакилликни турларга бўлиш ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади:

- вакилликнинг вужудга келиш асосларига кўра;
- вакиллик субъектларининг ҳуқуқий мақомига кўра;
- вакиллик тарафларининг хоҳиш иродасига қараб;
- ваколатлар доирасига кўра.

5. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида вакиллик қуйидаги турларга ажратиб кўрсатилади:

- Умумий вакиллик- бош ишончномага асосланади. Умумий ваколатлар асосида иш олиб борувчи вакил ваколат берувчи номидан муайян муносабатларда қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари, барча юридик хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлади.

- Махсус вакиллик - вакил ишончнома ёки шартномада кўрсатилган хатти-ҳаракатларнигина амалга ошира олади, яъни вакилнинг ваколатлари бирмунча чекланган бўлади.

- Жамоат вакиллиги- жамоат бирлашмаларининг ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вакиллиги.

- Маъмурий актига асосланган вакиллик - вакилликнинг ушбу турига мувофиқ, маъмурий тартибда тайинланган вакил ваколат берувчининг номидан ҳаракат қилиш мажбуриятини олади.

- Шартномавий вакиллик- Вакилликнинг вужудга келиши тарафларнинг ўз эрки, хоҳиш-истаги асосида ўзаро келишувга мувофиқ белгиланади.

- Қонуний вакиллик - ваколат берувчининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда норматив ҳужжатлар асосида вакилга берилган ваколатлардан келиб чиқадиган вакиллик ҳисобланади.

Шу билан бирга кома ёки летаргик уйқу (узоқ вақт беҳуш ҳолатда ётиш) ҳолатидаги шахснинг “муомала лаёқатини тўхтатиб туриш” туфайли вақтинчалик вакил тайинланиши лозим, бу ҳам қонуний вакилликнинг бир шакли сифатида эътироф этилади.

6. Тижорат вакиллиги вакилликнинг махсус тури сифатида эътироф этилади. Тижорат вакиллигининг тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги афзалликларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Муайян ҳудудда тижорат вакиллиги асосида фаолият олиб бориш тадбиркорлик субъектлари учун филиал очишдан кўра, осон ва кам харажатли ҳисобланади;

- Тижорат вакили билан шартнома тузишда у томонидан тузиладиган шартномалар сонидан қатъий назар маълум бир қатъий суммада пул тўланишини назарда тутадиган шартнома ҳам тузиш мумкин;

- Тижорат вакили ваколат берувчи билан меҳнат муносабатлари асосида боғлиқ бўлмайди;

- Тижорат вакили бир вақтнинг ўзида шартномадаги турли тарафларнинг манфаатларини ифодалаши мумкин.

7. Таъкидлаш лозимки, фуқаролик- ҳуқуқий жавобгарлик ва уни қўллаш шакллари фуқаролик ҳуқуқининг барча институтларида ўзига хос белгилари билан ажралиб тургани каби вакиллик муносабатларида ҳам ўзига хос бўлган хусусиятларга эга. Бу хусусият вакиллик муносабатларида фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳар иккала турининг мавжудлиги билан ифодаланади. Биринчи, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликдан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик - бунда шартномада юз бериши мумкин бўлган ғайриқонуний ҳаракатлар ва улардан келиб чиқадиган оқибатлар, уларни бартараф этиш

шакллари олдиндан белгилаб қўйилади. Иккинчи, зарар етказишдан келиб чикадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик - бунда жавобгарлик қонунга ҳилоф муайян ҳолатнинг юз беришидан кейин пайдо бўлади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Фуқаролик ҳуқуқида Вакиллик ва уни амалга ошириш муаммолари умумий жиҳатдан кўплаб муаллифларнинг эътиборида бўлиб келган ва ижтимоий ривожланишининг у ёки бу босқичида фуқаролик ҳуқуқида вакиллик институтини ҳуқуқий тартибга солишнинг энг мақбул моделини ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор баҳслар ва изланишларнинг объекти ҳисобланган.

Вакиллик муносабатлари жаҳон амалиётида атрофлича ўрганилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу тадқиқот, биринчи навбатда, мустақилликка эришиб, ўзининг ривожланиш йўлини танлаган Ўзбекистон учун ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, вакиллик институтининг айрим янги, нотаниш бўлган хусусиятларини ва уни амалга оширишда бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келадиган жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган.

Шу сабабли фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга ошириш муаммолари узоқ йиллар давомида кўплаб муаллифларнинг диққат марказида бўлиб келган ва уларнинг асарлари катта илмӣ қизиқишни намоиш этади. Бу ўринда классик цивилистлардан қуйидагиларнинг асарларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим: С.С.Алексеев, О.С.Иоффе, И.Новицкий, Н.М. Ершова, Ю.К.Толстой, Е.А.Флейшиц³ ва бошқалар. Ушбу муаллифларнинг асарлари фундаментал тадқиқотлар бўлиб, ушбу ишланмалар илмӣ жамоатчилик томонидан тан олинган ва вакиллик институтини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

³ Алексеев С.С. Общая теория права. Т.2. –М.: 1982.; Иоффе О.С. Гражданское право. Курс лекций. –Л.: ЛГУ. 1958.; Римское право. Под ред.Новицкий И. БИзд. 6-е, стереотипное.- М., 1997.; Ершова Н.М. Охрана прав несовершеннолетних по советскому гражданскому и семейному праву. –М.: Юр.лит. 1965.; Толстой Ю.К. К теории правоотношения. Л., Изд. ЛГУ, 1959., Флейшиц Е.А. Соотношение правоспособности и субъективных прав // В кн.: Вопросы общей теории права. - М.: 1960.

Бундан ташқари, фуқаролик ҳуқида вакиллик ва уни амалга ошириш муаммоларини ўрганиш бўйича кўплаб цивилист олимлар илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, хорижий давлатлар олимлардан А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой, Л.Ю.Грудцин, А.А.Спектор, М.Ф.Лукьяненко, Т.Е.Абова, М.М.Богуславский, А.Ю.Кабалкин, А.Г.Лисицын, Светланаов, Е.А.Суханов, Л.Ю.Михеева, Р.Т.Мардалиев, И.А.Зенин, С.В.Мельник⁴ ва бошқаларни кўрсатиб ўтсак бўлади. Миллий олимларимиздан эса Ҳ.Р.Раҳмонкулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, Матқурбанов Р.Ж. Р.Дж.Рузиев, В.Р.Топилдиев, М.Х.Баратов, Н.Ф.Имомов, Н.А.Ашурова, Юлдашев Ж.И., Топилдиев Б.Р. Ж.Өтегенов, Е. Тилеёв, Р.Есбергеновларнинг илмий асарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим⁵. Шу билан бирга вакиллик институтини оила ҳуқуқи нуқтаи-назаридан ҳам бир нечта олимлар тадқиқ этган, шулардан Ф.М.Отахўжаев, М.Восикова, Р.Мухаммедов, Я.Песин, М.Х.Самарходжаева, Т.Аюбов, Г.Иномжанова, Ш.Юлдашева, Т.В.Кочергина Г.М. Тансыкбаева каби олимларнинг бу бордаги хизматлари аҳамиятли ҳисобланади⁶.

⁴Гражданское право. Т.1. Учебник / Под. ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – М.: 2005. – С. 322-23.; Грудцина Л.Ю., Спектор А.А. «Справочник по гражданскому праву отадоа». Феникс, 2007. – 222 с.; М.Ф.Лукьяненко. Гражданское право Российской Федерации. Общая часть: Учебное пособие. 2-с изд.; перераб. и доп. Тюмень: издательство Тюменского государственного университета. 2004. – с 182.; Постатейный комментарий и гражданскому кодексу Российской Федерации. частям первой, второй, третьей./ под ред. Т.Е.Абовой, М.М.Богуславского., А.Ю.Кабалкина, А.Г.Лисицына- Светланова; ин-т государства и права РАН.-М.: Юрайт-издат, 2008- с 203.; Гражданское право в 4-х томах. Том I общая часть учебник 3-е издание, переработанное и дополненное. Отв. Ред.- Е.А.Суханов. Москва ВолтерсКлувер. 2008- с 542.; Михеева Л.Ю. Доверительное управление в деятельности органов опеки и попечительства. Учебно-практическое пособие.-Барнаул, 1998.-С.133-134.; Р.Т.Мардалиев. Гражданское право краткий курс – Питер, 2006, с 46.; Зенин И.А. Гражданское и торговое право зарубежных стран: учебное пособие. - М., 2009. - С. 119-121.; Мельник С.В. Профессиональное коммерческое (торговое) представительство: Автореферат диссертация ... кандидата юридических наук. - Санкт-Петербург, 2004. - С. 11.

⁵Ҳ.Раҳмонкулов. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари.Т.: “Ўзбекистон” 2008.- б 40.; Зокиров. И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Иқисм.Тошкент.:2006. -б 176.; Ҳ.Р. Раҳмонкулов., О.О. Оқюлов. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ I-жилд.-Ташкент:Vektor-press, 2010.-б 345.; Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. Автореф. дисс...д.ю.н. – Ташкент, 2008. – с 14 ..; Р.Дж.Рузиев., В.Р.Топилдиев. Фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент.:2011- б 213.; Баратов. М. Х. Мулк ҳуқуқи.Т.:2009.-б 58.; Имомов.Н. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати.- Тошкент, 2005.-б 9.; Ашурова.Н.Вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки. Дисс. Ю.ф.н.- Ташкент, 2008.; Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари - фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Тошкент, ТДЮИ. 2004. –78 б.; Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли бошқаришни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Автореф. Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2008. -19 б.; Ж.Өтегенов, Е. Тилеёв, Р.Есбергенов, Юридикалык терминлардин каракалпакша тусиндирме сөзлиги. Нөкис.:2003.-б 61.

⁶Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг оила ҳуқуқи. –Тошкент, ТДЮИ, 2005. Восикова М ва бошқалар. Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексига шарҳлар. –Тошкент, Ўзбекистон, 1975; Аюбов Т. Никоҳ, қонун ва ахлоқ. –Тошкент, Фан, 1979; Мухамедов Р. Оилада эр-хотиннинг ҳуқуқий муносабатлари. – Тошкент, Ўзбекистон, 1975; Песин Я. Развитие семейно-правовых гарантий прав женщин в Узбекистан. –

Бундан ташқари вакиллик муносабатлари фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасида ҳам олимлар томонидан ўрганилган, ва уларнинг кўпгина илмий асарларида фуқаролик процессуал ҳуқуқидаги вакиллик билан фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликнинг ўзаро фарқли томонларини ёритиб берган, жумладан Л.В.Войтович, Н.А.Ефремов, М.К.Треушников, Ш.Ш.Шорахметов, М.М.Мамасиддиқов, З.Н.Эсонова, К.К. Олимоваларнинг⁷ асарлари бунга яққол мисол сифатида айтишимиз мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа муаллифларнинг илмий асарлари фуқаролик ҳуқуқида вакиллик институтини назарий таҳлил қилишда катта туртки бўлиб, уни тадқиқ қилишга муайян даражада ҳисса қўшди. Аммо Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда мавжуд ҳуқуқий адабиётлар ва илмий тадқиқот объектларини ўрганар эканмиз, улар орасида бевосита вакиллик ва уни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини амалий жиҳатларини алоҳида тадқиқ этишга бағишланган яхлит монографик тадқиқот мавжуд эмаслигини кузатиш мумкин. Ҳозирги кунда мавжуд ҳуқуқий адабиётлар ва илмий ишларда асосан фуқаролик ҳуқуқидаги вакиллик муносабатларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилади ва мазкур мавзу доирасидаги баҳс-мунозаралари ва муаммоли масалаларга эътибор қаратилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қабул қилинганидан кейинги даврларда ушбу тадқиқотнинг мавзусига яқин бўлган бошқа тадқиқотлар мавжуд эмас. Кўриб чиқиладиган муаммоларнинг етарли

Тошкент, Фан, 1971; Самарходжаева М.Х. Развитие брачно-семейного законодательства Узбекской ССР о воспитании детей в семье. Автореф. дисс...к.ю.н. –Тошкент, 1984, Иномжоновна Г. Ота-оналар ва болаларнинг оила ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари. –Тошкент, Адолат, 2006. Юлдашева Ш. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва хомийликнинг моҳияти ва уни амалга ошириш усуллари. Автореф. Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2005. Тансыкбаева Г.М. Возникновение и развитие семейного права в Узбекистане. Автореф. Дисс...к.ю.н. –Тошкент, 1962.

⁷ Войтович.Л.В.,Ефремов.Н.А. Представительство в гражданском и арбитражном процессе: Учебное пособие.- Хабаровский: Хабаровский пограничный институт ФСБ России,2005.- с 41.;Гражданский процесс// Учебник. Под Ред. д.ю.н, проф. М.К. Треушников. – М.: Юриспруденция.2001.- с78.; Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик.- Тошкент.: Адолат.2001.- б 92.; Мамасиддиқов.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Тошкент.:2010,- б 193-194; Эсонова З. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Автореф. Дисс... ю.ф.н. –Тошкент, 2005.; Олимова К.К. Суддаги вакиллик тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва белгилари.

даражада ишланмаганлиги, шунингдек уларни ҳуқуқий муносабатларнинг замонавий даражаси нутқай-назаридан ҳал этилиши лозимлиги ушбу тадқиқот илмий-назарий ва амалий жиҳатдан долзарблигини билдиради.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқотнинг ҳуқуқий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фундаментал асарлари, унинг олимлар ва илмий жамоалар олдида сўзлаган нутқлари ва мақолалари, кодификациялашган қонун нормалари, шунингдек Қонунлар, Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга ошириш масалалари бўйича мавжуд адабиётлар тадқиқ этилди, хорижий мутахассисларнинг назарий қарашлари ўрганилди. Шунингдек диссертацияни ёзишда қиёсий-ҳуқуқий, тизимли-мантиқий таҳлил, ҳаракатдаги қонунчиликни амалда қўллашни илмий таҳлил этиш каби илмий билиш усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шу билан асосланадики, унда билдирилган таклифлар ва хулосалар фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга оширишда вужудга келадиган бир қатор назарий муаммоларни ҳал қилиш, вакилликни амалга ошириш шакллари, вакиллик муносабатлари субъектларининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг вакиллик муносабатлардаги субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мақбул ечимларини шакллантириш имконини беради. Назарий хулосалар ва тавсиялар фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда ҳисобга олиниши, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг вакилликни амалга оширишдаги ҳуқуқий мақоми, вояга этмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқ субъектлилиги, оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийлик муносабатларидаги муаммолар бўйича ўтказиладиган тадқиқотларнинг методологик асоси сифатида фойдаланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунда ифодаланадики, унда билдирилган хулоса ва тавсиялар фуқаролик ҳуқуқида вакилликни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ягона ёндашувни шакллантиришни таъминлаш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, унда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қабул қилиниши ва кучга киритилишидан кейин фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга ошириш муоммалари илк маротаба комплекс таҳлил қилинмоқда. Диссертацияда қуйидаги илмий муаммолар ҳал этилади:

- Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик тушунчаси, аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари белгиланади;

- вакиллик муносабатларида вакил ва ваколат берувчининг ҳуқуқий мақоми-уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари комплекс таҳлил қилиш орқали очиб берилади;

- фуқаролик ҳуқуқида вакилликни амалга оширишда ва вакиллик муносабатларида вужудга келадиган жавобгарлик бўйича асосий муаммолар аниқланади ва уларни ҳал қилишнинг аниқ йўналишлари таклиф қилинади.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, 7 параграфни бирлаштирувчи 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми –81 бетни ташкил қилади. Диссертациянинг биринчи бобида фуқаролик ҳуқуқида вакиллик тушунчаси ва унинг аҳамияти, субъектларининг ҳуқуқий ҳолати, фуқаролик ҳуқуқида вакил ва ваколат берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзига хос томонлари ёритилган ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасидаги таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида фуқаролик ҳуқуқида вакилликнинг турлари, фуқаролик ҳуқуқида вакилликни турларга бўлиш меъзонлари, умумий ва махсус, шартномавий ва қонуний вакиллик, тижорат вакиллиги

таҳлил қилиниб, вакилликни турларга бўлишнинг амалий ва назарий мезонларини аниқ белгилаш борасида таклифлар илгари сурилади.

Тадқиқот ишининг учинчи бобида фуқаролик ҳуқуқида вакиллик муносабатларида жавобгарлик, фуқаролик ҳуқуқида вакилликдан келиб чиқадиган жавобгарлик асослари ва чоралари, вакилликнинг бекор бўлиш асослари ва тартиби масалалари атрофлича таҳлил этилган.

I боб. Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик тушунчаси ва унинг аҳамияти, субъектлари

1.1. Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик тушунчаси ва унинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан кафолатланиши айtilган, яъни қонунчилигимизнинг энг асосий вазифларидан бири ҳам айнан шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларнинг дахлсизлигини кафолатлашдир. Фуқаролик қонун ҳужжатлари ҳам шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тенглиги ва ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ҳечқандай тўсиқларсиз, эркин ҳаракат қилишни таъминлаш билан бир қаторда, барча шахсларнинг ҳолатидан қатъий назар ҳуқуқ лаёқатига эга эканлигини этироф этади, яъни шахслар айрим субъектив ва объектив сабаблар билан ўз ҳуқуқларини ўзи амалга ошира олмасалар бошқа шахслар ёрдамида, яъни ўз вакиллари орқали бу ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин. Зеро, ҳозирги кунда жамиятимиздаги шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни тўсиқларсиз амалга оширишда фуқаролик ҳуқуқининг, айниқса, ундаги вакиллик институтининг ўрни ва аҳамияти катта ҳисобланади. Чунки вакиллик институти қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширади:

- субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди;
- шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга ёрдамлашади;
- шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олади;

- субъектлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий муносабатларининг барқарорлигини таъминлаш ва бошқа вазифаларни бажариши билан жамият таракқиётида муҳим ҳисобланади.

Вакиллик инсоният ривожланиши тарихининг барча давларида муайян шаклда ривожланиб келган, айниқса қадимги Миср, Чин, Юнон ва Рим давлатларида савдо ва ҳунармандчилик фаолиятида ундан кенг фойдаланилган. Қадимги Римда топшириқ шартномаси бир тараф (мандант) топшириқ бериши ва иккинчи томон (мандатарий) топшириқни бажаришни ўз зиммасига олишдан иборат бўлган. Топшириқ предмети сифатида юридик ҳаракатлар ҳам, фактик тусдаги хизматлар ҳам эътироф этилган⁸. Вакиллик кейинчалик XVIII-XIX асрларга келиб анча такомиллаштирилди ва орада ўтган даврлардаги айрим ўзгаришлар билан ҳуқуқий жиҳатдан ҳозирги кундаги шаклга келтирилди. Вакиллик сўзининг ўзи (инглиз. representation) - бир шахс ўзида мавжуд бўлган ваколат асосида бошқа шахс номидан, унинг учун бевосита ҳуқуқларни вужудга келтириш (ўзгартириш, тугатиш) йўли билан ҳаракат қиладиган муносабатдир⁹. Юридик энциклопедияларида вакилликка қуйидагича таъриф берилган: вакиллик деганда, бир шахс - вакил томонидан иккинчи шахс - ваколат берувчи номидан ва унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида битим ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади¹⁰.

Демак, вакиллик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 129-моддасига мувофиқ, ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтириши, ўзгартириши ва бекор қилиши ҳисобланади. Вакиллик тушунчаси ҳақида олимларнинг қарашларини таҳлил етсак, уларниг деярли

⁸Римское право. Под ред. Новицкий И. БИзд. 6-е, стереотипное.- М., 1997.-245с.

⁹Чет тиллари луғати. – М.:1964.- 784 б.

¹⁰Юридическая энциклопедия.- М.:Юринформцентр. 1995.

бир хил позицияда эканлигини кўриш мумкин. Масалан, И.Б.Зокиров вакиллик бир шахснинг иккинчи шахс номидан юридик ҳаракатларни амалга оширишидир, деб таъкидлайди¹¹. Айрим юридик адабиётларда эса вакиллик вакилни ваколат берувчи шахс билан боғлайдиган ҳуқуқий муносабат эканлиги кўрсатилади¹². Баъзи олимлар ўз асарларида вакиллик фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишнинг шакли эканлиги таъкидлаган¹³. Ўз навбатида, бир қанча рус олимлари ҳам вакиллик тушунчасига тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтган, жумладан А.П.Сергеева ва Ю.К.Толстойларнинг фикрича, вакиллик деганда – бир шахснинг, яъни вакил томонидан унга берилган ваколатлар доирасида битим ва бошқа юридик ҳаракатларни ваколат берувчи номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилиш тушунилади¹⁴. Л.Ю. Грудцына ва А.А.Спекторлар эса “вакиллик бир шахснинг иккинчи шахс номидан юридик ҳаракатларни амалга оширишидаги ҳуқуқий муносабат ҳисобланади, яъни ваколат берувчи номидан ишончномага, қонунга ёки давлат органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатларига асосланиб битимлар тузиш ва унга нисбатан бевосита фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш эканлиги”ни таъкидлашади¹⁵. Яна бир рус цивилист олими М.Ф. Лукьяненконинг фикрича, вакиллик бир шахснинг бошқа шахсни алмаштириши ёки унинг манфаатларини кўзловчи муносабатлардан фарқ қилади. Юридик ҳаракатларни амалга ошириш мустақил хоҳиш, ирода бўлиб, ваколат берувчининг хоҳиш, иродасини такрорламайдиган юридик ҳаракатларни ифодалайди¹⁶. Айрим олимлар эса ўз асарларида кўпроқ вакилликнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб, уни

¹¹И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. Ўқим. Тошкент.:2006. -б 173.

¹²Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ I-жилд.-Ташкент:Vektorpress,2010.-б 345.

¹³Ж.Өтегенов. Е. Тилеёв. Р.Есбергенов. Юридикалык терминлердин қарақалпақшатусиндирме сөзлиги..Нөкис.:2003.-б 61.

¹⁴А.П.Сергеева,Ю.К.Толстого. Гражданское право.Учебник.Москва.2005 .-с 322-23 .

¹⁵Л.Ю. Грудцына,А.А.Спектор. «Справочник по гражданскому праву отадоя ».Феникс.2007.- с 222.

¹⁶М.Ф.Лукьяненко. Гражданское право Российской Федерации. Общая часть:Учебное пособие.2-с изд;перераб .и доп. -Тюмень: издательство Тюменского государственного университета.2004.- с 182.

вакилнинг юридик ҳаракатларни амалга ошириши ва унинг ваколат берувчи фойдасига бир ёки бир неча битимларни тузиши билан боғлиқ мажбуриятлар юклашида намоён бўлишни айтиб ўтишади¹⁷. Демак, вакиллик қонуний асосга кўра вакилнинг ваколат берувчи манфаатини кўзлаб, унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтириши, ўзгартириши ва бекор қилишга қаратилган ҳаракати ҳисобланади.

Фикримизча, вакилликка берилган юқоридаги фикр-мулоҳазалар ва қонунда кўрсатилган тушунча ҳам муайян даражада тўлиқ вакилликнинг моҳиятини ёритиб бера олмаётгандек кўринади. Чунки, ФКнинг 129-моддасининг мазмунидан келиб чиқсак, вакилликни амалга оширишда вакилга нисбатан ҳеч қандай юридик оқибат келиб чиқмайди, яъни унда ҳуқуқ ва мажбурият ҳамда ундан келиб чиқадиган жавобгарлик ҳам бўлмайди. Масалан, А. ўз вакили Б. орқали ўз мол-мулкни S. га ижарага берадиган бўлса, бу муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар А. ва S. ўртасида бўлади, ижара ҳақини олиш, уни тасарруф этиш ҳуқуқи ёки мулкдаги камчиликларни бартараф этиш мажбуриятлари А. га нисбатан вужудга келади. Бунда вакил Б. да бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ундан келиб чиқадиган жавобгарлик бўлмайди. Аммо агар шахс 14 ёшга тўлмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлса, унга нисбатан вассийлик белгиланади. Вассий барча муносабатларда ўз вассийлиги осидаги шахслар номидан ҳаракат қилади ва нафақат уларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради, бекор қилади, балки амалда уларни шахсан ўзи амалга оширади ва улардан келиб чиқадиган оқибатлар учун ҳам шахсан ўзи жавоб беради. Бундан кўриниб турибдики, ФКнинг 129-моддасида вакилликнинг тўлиқ мазмун-моҳияти ёритилиб берилмаган. Бинобарин, қонунчиликда берилган таъриф вакилликнинг ҳар қандай шаклига универсал тарзда мос келиши керак. Шунининг олган

¹⁷Постатейный комментарий и гражданскому кодексу Российской Федерации. частям первой, второй, третьей./ под ред. Т.Е.Абовой., М.М.Богуславского., А.Ю.Кабалкина.,А.Г.Лисицына- Светланова; ин-т государства и права РАН.-М.:Юрайт-издат,2008- с 203.

ҳолда ФКнинг 129-моддаси 1-қисми қуйидаги таҳрирда ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўларди, яъни “вакиллик ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатиغا асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим натижасида ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишдир ёки шахсга нисбатан вужудга келган фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришда юридик ёрдамни амалга оширишдир”.

ЎзР ФКнинг 129-моддасининг мазмунидан келиб чиқиб вакиллик қуйидаги асослар, яъни:

- 1) Ишончномага;
- 2) Қонунга;
- 3) Суд қарорига

4) Давлат органининг ҳужжатиغا кўра вужудга келади, яъни, вакиллик биринчидан юридик факт асосида, иккинчидан юридик фактнинг содир бўлишига олиб келган сабаб натижасида, яъни, муайян объектив зарурият асосида вужудга келиши мумкин. Бу ҳолатлар бир бирига узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдирган ҳолда вакилликнинг вужудга келиш асосини ташкил қилади.

Ҳозирги кунда ЎзР ФКда вакилликнинг вужудга келиш асослари фақат умумий тарзда кўрсатилган, ҳали тўлиқ ва аниқ тарзда шакллантирилмаган, бунга яққол мисол сифатида, ЎзР ФКда вакилликнинг вужудга келиш асосларидан фақат ишончнома бир мунча кенгроқ ёритилган бўлиб, бошқа асослар бўйича вакилликнинг вужудга келиши ҳолатлари қонунчиликка ҳавола қилинган. Қонунчиликда эса бу асослар тарқоқ ҳолда эканлигини кўришимиз мумкин. Бу ўз навбатида, муайян қийинчиликларга олиб келмоқда. Масалан, ФКнинг 133-моддасида тижорат вакиллиги ишончнома ва шартнома асосида вужудга келиши мумкинлиги кўрсатилган. Лекин қонунчилик айнан қайси шартнома асосида тижорат вакиллигининг вужудга

келишини кўрсатмаган. Фикримизча, вакилликнинг вужудга келиш асосларига қонунчиликда кенгроқ тушунтириш берилса ва у тўлиқ, аниқ тарзда кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Вакиллик қонунчиликда назарда тutilган асосларга кўра вужудга келган ҳолда, қуйидаги шахслар ўртасида амалга оширилади:

- жисмоний шахснинг жисмоний шахсга ёки юридик шахсга нисбатан вакиллиги;
- юридик шахснинг жисмоний шахсга ёки юридик шахсга нисбатан вакиллиги;
- давлатнинг жисмоний шахсга ёки юридик шахсга нисбатан вакиллиги.

Бу вакилликнинг мазмун-моҳияти, амалга оширилиши усули, шакли, унинг турларга бўлинишида ва вакиллик субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгилашда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун вакиллик институтининг энг муҳим жиҳатларидан бири - унинг субъектлари ҳисобланиб, улар ваколат берувчи – бу ҳар қандай шахс, айти вақтда давлат ҳам бўлиши мумкин. Аммо айрим адабиётларда ваколат берувчи тараф сифатида фақат юридик шахслар ва фуқаролар кўрсатиб ўтилган¹⁸. Лекин фикримизча, давлат ҳам ваколат берувчи тараф бўлиши мумкин. Масалан, давлат шартнома асосида маълум бир шахсларга давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларининг директорлар кенгашида давлат манфаатларини ифода этиш учун ўз вакилини тайинлаши мумкин ёки айрим ҳолларда фуқаролик муносабатларда давлат номидан махсус вакил қилинган юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тutilган. Вакил – бу фақат муомалага лаёқатли шахслар бўлиши мумкин. Қонунчиликда вакил бўлиши тақиқланган шахслар бундан мустасно. Лекин давлатнинг вакил бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида қонунчиликда муайян қоида белгиланмаган. Учинчи шахслар - фуқаролар, юридик шахслар ва давлат бўлиши мумкин.

¹⁸Р.Дж.Рузиев. В.Р.Топилдиев. Фуқаролик ҳуқуқи.Умумий қисм.-Тошкент.:2011. 213.- б.

Е.А.Суханов вакилликнинг қўлланилиши ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш усули сифатида юридик ва фактик тартибдаги сабаблар билан изоҳланишини ва бу биринчи, юридик сабаб - тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаслик, муомала лаёқатининг чекланганлиги ва қонунда назарда тутилган асосларга кўра, муомалага лаёқатсиз деб топилганлик, иккинчи, фактик сабаб - касаллик, юридик саводсизлик, билимсизлик, ваколат берилган ёки мажбурият юкланган шахсларнинг ҳуқуқларни шахсан амалга ошириш ёки мажбуриятларни бажаришни хоҳламаслиги, юридик шахс органининг амалга оширадиган ишлари миқдорининг кўплиги, шахсларга махсус билимларнинг етишмаслиги сингари ҳолатлар эканлигини таъкидлайди¹⁹.

Албатта, ҳар қандай шахс субъектив ва объектив сабаблардан келиб чиққан ҳолда вакилликдан фойдаланиши мумкин. Аммо қонунчилик вакилликнинг қўлланилиши доирасини белгилайди, яъни ЎЗР ФКнинг 129 – моддасида биринчидан, ўз характериға кўра, фақат шахсан тузилиши мумкин бўлган битимлар, иккинчидан, қонунларда назарда тутилган бошқа битимлар вакил орқали тузишға йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Аммо бу ҳолат ҳам қонунчиликда аниқ тарзда тушунтирилмаган ва фақат умумий тарзда кенг ва мавҳумлик ҳолатида кўрсатиб ўтилган. Масалан, қонунчиликка эътибор берсак, никоҳ шартномаси ёки васиятнома шахснинг фақат шахсан ўзи тузиши лозимлиги ва вакил орқали тузилишиға йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Лекин бошқа шартномаларда ёки шахснинг ўзи билан боғлиқ битимларда вакил орқали тузилишиға йўл қўйилмаслик ҳолати аниқ тарзда ёзиб қўйилмаган. Аммо қонунчиликда шундай шартномалар борки, улар вакил орқали тузилмаса-да, уларда васиятномадаги сингари аниқ тарзда фақат шахсан тузилиши кераклиги ёзилмаса-да, амалий ва назарий жиҳатдан шахснинг ўзи иштирок этиши керак бўлади. Масалан, Ўзбекистон

¹⁹Гражданское право в 4-х томах. Том I общая часть учебник 3-е издание, переработанное и дополненное. Отв. Ред.- Е.А.Суханов. Москва ВолтерсКлувер. 2008- с 542.

Республикаси ФКнинг 530-моддасига кўра, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура холида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади. Бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади. Шартномада кўриниб турганидек, унда вакил иштироки мумкин эмаслиги кўрсатилмаса-да, лекин мантиқан олиб қараганда, шартнома шартлари уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб берувчининг шахсан ўзига қаратилган бўлиши ва мажбуриятлар фақат унга нисбатан амалга оширилиши керак, яъни мазкур шартнома таъминот олувчининг шахси билан боғлиқ ҳисобланади²⁰. Бундан ташқари, ФКнинг 976-модда оммавий танловни ташкил этиш ёки 981-моддасидаги мукофотни тўлаш мажбуриятига қарайдиган бўлсак, бунда шахс танловда ўзи иштирок этиши керак, яъни вакил орқали қатнаша олмайди, сабаби ундаги шартларни бажариб танловда ғолиб чиқиш шахснинг интеллектуал қобилиятидан келиб чиқиб амалга оширилади ва бу энг асосий шартлардан бири сифатида ҳам кўрсатилиши мумкин. Шу билан бирга, яна бир масала қонунчиликда ёритилмаган, яъни ФКнинг 129-моддасида вакил орқали тузилиши мумкин бўлмаган битимларнинг тусини императив тарзда белгилайди, лекин қонунчиликда шундай шартномалар ҳам борки, уларни вакил орқали амалга ошириш мумкин ёки мумкин эмаслиги томонларнинг келишувига кўра амалга оширилади. Бу шундай шартномаларки, иккинчи томон шартномани вакил орқали эмас, балки шахсан ўзи амалга оширишини белгилаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади, бундан кўзланган мақсад шартнома мажбуриятларининг ўз вақтида, тўлиқ ва лозим даражада, сифатли

²⁰Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ. II-жилд.-Ташкент.: Baktria press.2013.-б 253.

бажарилишини таъминлаш ҳисобланади. Лекин барча шартномаларда ҳам бу коида тадбиқ қилинмайди. Сабаби, бу ҳолат иккинчи тарафнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади. Шунинг учун қонун чиқарувчи фақат айрим турдаги шартномаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бундай шартномаларни белгилаб ўтган. Бунга яққол мисол сифатида, ФКнинг 694-моддасидаги илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномасида пудратчи илмий текширишларни шахсан ўзи олиб бориши шартлигини кўрсатиш билан бирга, агар илмий-текшириш ишлари пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у буюртмачининг розилиги билан шартномани бажаришга учинчи шахсларни жалб қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилади. ФКнинг 704-моддасига мувофиқ, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бажаришда шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шарт. Бу юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб айтганда, агар буюртмачи хизмат кўрсатувчи иккинчи томондан мажбуриятни шахсан ўзи бажаришини талаб этса, хизмат кўрсатувчи фақат ўзи бажаришга мажбур бўлади, агар томонлар келишсалар, у ҳолда хизмат кўрсатувчи ўз вакили орқали ҳам мажбуриятларни бажариши мумкин. Фикримизча, айти шундай битимларнинг доираси белгиланиб, қонунчиликда ўз аксини топса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, назаримизда, вакилликдан фойдаланишда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- шартнома тузилгунча амалга ошириладиган вакиллик, бунда никоҳ шартномаси ёки васиятномадан ташқари деярли барча битимлар вакил орқали тузилиши мумкин;
- шартнома тузилганидан кейин, уни ижро қилишга қаратилган вакиллик, бунда барча шартномалар вакил орқали ижро этилиши мумкин (Аммо ЎЗР ФКнинг 241-моддаси 2-қисмидаги шахсий тусдаги мажбуриятлар бундан мустоснадир). Лекин қонунчиликка эътибор берсак, шундай

шартномалар борки, улар вакил орқали тузилсада, аммо ижрода шахснинг шахсан ўзи иштирок этиши лозим бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 530-моддасида кўрсатилган умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси, бунда шартномадаги берувчи томон ёши, соғлиги туфайли шартномани ўз вакили орқали тузиши мумкин. Аммо унинг ижросидаги овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш, умрбод моддий таъминлаш сингари шартлар фақат берувчига нисбатан амалга оширилади²¹.

Шартнома тарафларининг ҳуқуқий мавқеидан келиб чиқадиган вакиллик, яъни қайси томоннинг вакилликдан фойдаланиши билан боғлиқ ҳолат. Масалан, оммавий танловни ташкилотчи ўз вакили орқали танловни ташкил этиши мумкин. Лекин унда қатнашишни истаган иккинчи томон вакили орқали эмас, балки шахсан ўзи иштирок этиши керак ёки бўлмаса юридик шахс ўз уставида шуғулланиши мумкин бўлмаган фаолиятга оид шартномани тузишда ўз вакили орқали бундай шартномани туза олмайди. Гарчи иккинчи тараф бундай шартномани тузиши мумкин бўлса-да.

Ҳозирги кунда қонунчиликда нафақат ваколат берувчининг вакилликдан фойдалана олмаслик ҳолатлари, балки вакилнинг ҳам вакилликни амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолатларни кўрсатиб ўтади. Бу биринчидан, вакил ваколат берувчи билан ўзига нисбатан битимлар тузиши мумкин эмас. Бундан кўзланган мақсад - ваколат берувчининг манфаатини, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, битим тузилишидаги қонунийлик, ўзаро манфаатдорлик, объективлик бузилишининг олдини олиш ҳисобланади. Иккинчидан, вакил ваколат берган шахс номидан айна бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан битимлар тузиши мумкин эмас. Тижорат вакиллиги бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бу ҳолатда қонунчилик вакилнинг бир томонга ён босиши, манфаат кўриши, ғаразли мақсадларни

²¹Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ. II-жилд.-Ташкент.: Baktria press.2013.-б 253.

амалга оширишининг олдини олиш, иккинчи тараф ҳуқуқларининг бузилмаслигини кафолатлайди, яъни қонунда бундай норманинг мавжудлиги ваколат берувчининг мулкӣй ва шахсий мулкӣй ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш. Чунки, бу норма қонунда ўз ифодасини топмаганда вакиллар ғаразли ниятларда ваколат берувчининг ишончини суистеъмол қилган ҳолда, унинг мулкӣй ва шахсий номулкӣй ҳуқуқларини поймол қилиб, уларга зарар этказиши мумкин эди. Чунинг учун қонунчилик ушбу нормани киритган ҳолда ваколат берувчининг ҳуқуқларини кафолатлаган, зеро вакилликка кўйилган энг асосий шартлардан бири ҳам айнан вакилнинг ваколат берувчи шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиши ҳисобланади.

Демак, юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб вакилликнинг қуйидагича ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- 1) вакиллик муносабатларининг субъектлари ҳар қандай шахс бўлиши мумкин;
- 2) вакилликдан келиб чиқадиган муносабатларда учдан ортиқ тарафлар иштирок этади;
- 3) вакиллик институти муносабатлари инсонийлик, ўзаро ёрдам, фуқаролик муносабатларда барчанинг тенг иштирокини таъминлаш ғояларига асосланади;
- 4) вакиллик ҳақ эвазига ҳам, текинга ҳам амалга оширилиши мумкин;
- 5) вакиллик фуқаролик, оила, хўжалик, маъмурий ҳуқуқий муносабатларни ўзида жамлаган;
- 6) вакиллик институти мавжудлигининг асоси бўлган ваколатлар ҳуқуқий ҳужжатлар ва шартномалар билан аниқ тарзда белгиланади;
- 7) вакилликнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши ҳар хил объектив ва субъектив юридик фактларга боғлиқ ҳисобланади;

8) вакиллик институти шахсларга фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишдаги юридик ёрдамнинг ҳуқуқий асосидир.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жамият ривожига вакиллик институтининг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Шу боис бу соҳадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилса ва “Тижорат вакиллик тўғрисида” алоҳида қонун қабул килинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу қонунда тижорат вакиллигининг ўзига хос томонлари кенг тарзда талқин этилиб, унинг вужудга келиши ва бекор бўлиш асослари, ундаги тарафларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тижорат вакилликнинг турлари, уларнинг бир биридан фарқли томонлари акс эттирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1.2. Фуқаролик ҳуқуқида вакил ва ваколат берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Маълумки, қонун ҳужжатларида белгиланган асослардан келиб чиққан ҳолда, ваколат берувчи вакилга муайян ваколат беради, вакил эса шу ваколат доирасида ҳаракат қилган ҳолда нафақат ваколат берувчига нисбатан, балки учинчи шахслар учун ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради.

Ҳар қандай муносабатларда бўлгани каби вакиллик муносабатларининг ҳам энг асосий элементларидан бири - бу тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидир. Вакиллик муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар иккига бўлинади:

- 3) ваколат берувчи ва вакил ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар;
- 4) учинчи шахсларга нисбатан вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

Шу билан бирга, вакиллик муносабатларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар вакилликнинг турларига боғлиқ ҳолда ҳам ҳар хил ҳисобланади ва айтиш мумкин

мезонлардан, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятлар кимга нисбатан вужудга келганлигига, уларнинг вакилликнинг қайси турига мансублигидан келиб чиққан ҳолда вакиллик муносабатларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг моҳияти ёритилади.

Вакиллик муносабатларида ваколат берувчи ва вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг мазмун-моҳияти вакилликнинг турларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Маълумки, вакиллик вужудга келиш асослари, амалга ошириш шакли, усули, мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар хил турларга бўлинади. Лекин кўпчилик адабиётларда вакиллик асосан умумий тарзда турларга ажратилган:

- 1) қонуний вакиллик;
- 2) шартномавий вакиллик;
- 3) битим асосида вужудга келадиган вакиллик.

Биз ҳам шундан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда, қонуний вакилликдаги ваколат берувчи ва вакилнинг ўзаро ва учинчи шахсларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини ёритиб беришни лозим билдик.

Демак, қонуний вакиллик ваколат берувчининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда норматив ҳужжатлар асосида вакилга берилган ваколатлардан келиб чиқадиган вакиллик ҳисобланади. Қонуний вакиллар қуйидагилар ҳисобланади:

- ота-оналар, фарзандликка олувчилар;
- ҳомийлар ва васийлар;
- юримдик шахс раҳбарлари.

Қонуний вакилликнинг ушбу шаклларида келиб чиқиб, улардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар турли хил саналади.

Маълумки, ота-она ўз болаларининг 18ёшгача бўлган даврида қонуний вакиллари сифатида уларнинг мафаатларини ҳимоя қилади ва улар номидан ҳаракат қилади. Бунда улардан ҳеч қандай ҳужжат талаб этилмайди, фақат боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасидаги ота-онаси деган жойда

ёзилган исми-шарифларининг ўзи кифоя. Ушбу қонуний вакиллик шаклининг ўзига хос томони шундаки, бунда вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар фақат учинчи шахсларга қаратилган ҳисобланади, яъни ваколат берувчи бола ва унинг вакили ота-онаси ўртасида бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзига хос кўринишга эга. Бунда болада ота-онасига, учинчи шахсларга қаратилган ыфақат ҳуқуқлар бўлади, ота-онада эса болага нисбатан мажбуриятлар бўлади, учинчи шахсларга нисбатан эса ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳисобланади. Буни Ўзбекистон Республикаси Оила кодексидаги нормалардан яққол кўрсак бўлади ва ушбу нормаларда болаларнинг қуйидаги ҳуқуқлари кўрсатилган:

- 1) оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи;
- 2) боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи;
- 3) боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи;
- 4) боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи;
- 5) боланинг исми, ота-онасининг исми ва фамилия олиш ҳуқуқи;
- 6) боланинг исми ва фамилиясини ўзгартириш ҳуқуқи;
- 7) болаларнинг оиладаги хусусий мулкга эга бўлиш ҳуқуқи;
- 8) боланинг суд томонидан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она билан кўришиши;
- 9) бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошларнинг бола билан кўришиб туриш ҳуқуқи;

Вакилнинг (ота-онанинг) ҳуқуқлари:

- 1) ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқга эгаллиги ҳуқуқи;
- 2) ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги ҳуқуқи;
- 3) ота-онанинг болаларга таълим-тарбия бериш ҳуқуқи;
- 4) болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқлари;
- 5) ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш ҳуқуқи;

- 6) боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишга бўлган ҳуқуқи;
- 7) ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқи;
- 8) ота-оналик ҳуқуқини тиклашга бўлган ҳуқуқи;
- 9) ота-оналик ҳуқуқи чекланишини бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқи.

Ота-онанинг мажбуриятлари, асосан учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик, уларнинг қонуний манфаатларига зиён этказмаслик, ноқонуний ҳаракатлардан ўзини тийиш ва ўз болалари номидан тузилган битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳисобланади.

Ушбу юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни таҳлил этадиган бўлсак, оила қонунчилигида бола ва ота-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларнинг мулкӣ ҳуқуқларига нисбатан кенгрок ёритилган ва кўпроқ этибор берилган. Ф.М.Отахўжаевнинг фикрича, қонунчиликда фойдаланилган «болаларнинг шахсий ҳуқуқлари» йиғма хусусиятга эга бўлиб, турлича мазмунни ифодаладиган бир хил бўлмаган мақсадларни назарда тутди. Вояга етмаганларнинг шахсий ҳуқуқлари қуйидаги биринчи даражали ва мустақил шахсий ҳуқуқларга бўлиш мумкин:

- оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи;
- ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи;
- ўзини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқи;
- ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи;
- исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи.²²

Н.Ашурова эса оила кодексига ҳамда фуқаролик кодексига сиҳат-саломатликка бўлган ҳуқуқни шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида қўшиш мақсадга мувофиқ, деб таъкидлайди²³. Фикримизча, муаллифнинг ушбу

²² Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқи. Дарслик –Тошкент, ТДЮИ 2005. 161 б.

²³ Ашурова.Н.Вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки. Дисс. Ю.ф.н.-Тошкент, 2008.

таклифи ўринли. Чунки илмий адабиётларда сиҳат-саломатликка бўлган ҳуқуқ шахсий номулкӣ ҳуқуқ сифатида кўрилади²⁴.

Қонуний вакиллик шаклларида яна бири ҳисобланган юридик шахс раҳбарларининг ўз раҳбарлиги остидаги юридик шахс номидан амалга оширадиган вакиллиги ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу вакилликни қонуний вакилликнинг бир кўриниши сифатида баҳоланиши биринчидан, юридик шахс раҳбари ҳеч қандай ишончномасиз юридик шахс номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқига эгалиги, яъни корхона раҳбари корхона номидан бошқа субъектлар билан муносабатларга киришганда махсус ёзма ваколатномасиз иш юритишга ҳақли²⁵, иккинчидан, ваколат берувчи сифатида юридик шахс ўз раҳбарига ўз хоҳиш-эркидан келиб чиққан ҳолда эмас, балки муайян қонун ҳужжатлари асосида, фаолият мақсадларидан, устав ва низомидан келиб чиққан ҳолда ваколат бермоқда. Ушбу вакиллик шаклида раҳбар ва юридик шахс ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга, иккинчидан раҳбарнинг учинчи шахслар билан бўлган муносабатларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга тўхталадиган бўлсак, биз асосан раҳбарнинг учинчи шахслар билан муносабатларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари эътибор қаратишимиз зарур. Чунки юридик шахс ва раҳбар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар меҳнат қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади. Шу боис биз раҳбар ва учинчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида фикр юритишни лозим топдик.

Қонуний вакиллик шаклларида яна бири васийлик ва ҳомийлик ҳисобланади. Вакилликнинг бу шакли қонуний вакилликнинг энг асосий ва муҳим шаклларида бири ҳисобланиб, уни тартибга солиш давлат ва жамият ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу вакиллик бевосита ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, ривожланиши, уларнинг камол топиб жамиятда ўз ўрнини топиб, давлат ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши, шу билан

²⁴ Федорова М.Ю. Медицинское право. М.: Владос. 2003. 96 б. (320).

²⁵ Зокиров. И.Б. Фуқароликҳуқуқи. Ёқисм.Тошкент.:2006. -б 176.

бирга, жамиятдаги айрим муомала лаёқати чекланган ва лаёқатсиз шахсларга ёрдам кўрсатиш каби инсонпарварлик, меҳр-оқибат билан боғлиқ ҳисобланади. Шу боис бу вакилликка оид ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик” кодекси, “Оила” кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низоми, 2014 йил 2 январдаги Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Қонунчилик соҳасида айниқса “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги янги қонуннинг қабул қилиниши давлатимизнинг болаларга ғамхўрлигининг ёрқин исботидир. Шунингдек, ушбу қонунда васийлик ва ҳомийлик институтлари инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим воситаси эканлиги белгиланди²⁶.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 32-моддасига кўра, васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ОК 173-моддасида эса васийлик ва ҳомийлик ота-она қаровисиз қолган болалар устидан уларни тарбиялаш, тарбиялаш ва таълим бериш мақсадида, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади, деб кўрсатилган. Ҳ. Р.Раҳманқулов фикрича, васийлик ва ҳомийлик ота-онасиз қолган ёки уларнинг ёрдмидан, ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан иборат²⁷. Айрим адабиётларда васийлик ва ҳомийлик ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ўзлари мустақил ҳимоя қилишга қийналадиган ёки эплай олмайдиган фуқароларни ҳимоя қилиш усули эканлиги, вояга етмаганлар учун эса васийлик ва ҳомийлик уларни оилада тарбияланиши учун

²⁶ Рўзиназаров.Ш.

²⁷ Раҳмонқулов. Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент:, 2008.-б 36.

имконияти эканлиги қайд этилган²⁸. Ш.Р.Юлдашевнинг таъкидлашича эса, васийлик ва ҳомийлик ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ҳамда суд тартибида муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан таъминот бериш, уларни тарбиялаш, таълим бериш ва парваришлаш, шунингдек шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятдир²⁹.

Демак, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки муомала лаёқатли бўлса да касал шахсларга қонунда белгиланган тартибда васий ва ҳомийлар бириктирилганидан кейин қонуний вакилликга оид ҳуқуқӣ муносабатлар вужудга келади. Бу муносабатлар биринчи, ваколат берувчи билан вакил ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, иккинчи, учинчи шахсларга нисбатан вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунда нафақат васий ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, балки васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам алоҳида нормада кўрсатилган.

Ушбу Қонуннинг 37-моддасида назарда тутилган ҳолларда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларига дахл қиладиган ҳаракатларни амалга оширишда васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатларини олиши, яъни васий ва ҳомийлар айрим битимларни тузишни фақат васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатлари билангина амалга ошира олади, акс ҳолда бу битим ҳақиқӣ эмас деб топилиши мумкин. Е.А.Сухановнинг фикрича васий ва ҳомий қуйидаги битимларни туза олмайди:

- Айирбошлаш, ҳадя, гаров ва х.к;

²⁸Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ I-жилд.-Тошкент:Vektor-press,2010.-б 86.

²⁹Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти, уни амалга ошириш усуллари. Автореф. Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2005. -6 б.

• Васий ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкининг бўлиниши, маълум бир қисмининг йўқолиши ёки камайишига олиб келадиган шартнома ва битимлар³⁰.

Ҳозирги кундаги янгидан қабул қилинган “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуннинг аҳамиятли тамони, унда васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг ҳам ҳуқуқлари аниқ тарзда алоҳида нормада кўрсатилганлиги ҳисобланади, яъни қонуннинг 33-моддасида васий ва ҳомий шахсларнинг ҳуқуқлари белгиланган.

Аммо ушбу қонунда васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мажбуриятлари кўрсатилмаган. Агар мантиқан фикр юритадиган бўлсак, васийликдаги шахслар мажбуриятларни бажариши мумкин эмаслиги тўғри, лекин ҳомийликдаги шахслар билан васийликдаги шахслар ўртасида нафақат ақлий ҳолат бўйича, балки юридик ҳолат бўйича ҳам фарқ бор. Чунки Р.Ж.Матқурбанов таъкидлаганидек, вояга етмаганлар фуқаролик ҳуқуқ субъектчилигининг таҳлили унинг ривожланиб бориш хусусиятини аниқлаб беради. Чунки вояга етмаган шахсларнинг ривожланиши давомида уларнинг ҳуқуқ субъектчилиги қонунчиликда белгиланган муайян ёшга етиш билан муомала лаёқати ҳажмининг кенгайиши эвазига бир неча маротаба ўзгаради. Бинобарин, муайян ёшга етиш билан вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ субъектчилиги янги ҳуқуқлар билан бойиб боради³¹. Назаримизда, айнан шу боис ҳомийликдаги шахсларнинг мажбуриятлари қонунда ўз ифодасини топса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 27, 31-моддаларида муомала лаёқатини чекланган шахслар ва ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар вояга етмаганлар ўзлари етказган зарар учун ушбу кодексга мувофиқ жавобгар бўлиши кўрсатилган. Соғлиғининг ҳолатига кўра, ҳомийлик белгиланган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга эса ўз-ўзидан жавобгар эканлиги маълум.

³⁰Гражданское право. Учебник, 3-ое издание под ред Е.А.Суханова. –Москва, Волтерс Клувер, 2005, с 189.

³¹Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. Автореф. дисс...д.ю.н. –Ташкент, 2008. – с 14 .

Чунки ҳомийлик васийликдан фарқли ўлароқ, асосий вазифаси шахсга кўмаклашиш ва ёрдам беришдан иборатдир. Шу боис фикримизча, ушбу қонуннинг 33¹⁻ моддаси қўшилиб, унда ҳомийликдаги шахсларнинг мажбуриятлари сифатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) ҳомийни ҳурмат қилиши;
- 2) ҳомийнинг шани, кадр-қимматини камситмаслиги;
- 3) жамоат олдида ва бошқа жойларда ҳомийнинг обрўсига путур етказадиган, унинг номига иснод келтирадиган ҳаракатлардан ўзини тийиши;
- 4) ҳомийнинг шахсий, оилавий ва ўзи билан ҳомий ўртасидаги муносабатларга оид маълумотларни сир тутиши;
- 5) ҳомийнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслик ва унга буларни бажаришда ёрдамлашиш;
- 6) ҳомийнинг маслаҳат ва кўрсатмаларига амал қилиш;
- 7) ҳомийнинг соғлиғига ва мол-мулкига зиён етказмаслик.

Демак, васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини таҳлил этадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кундаги қонунчиликда васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг нафақат шахсий номулкӣ ҳуқуқлари шу билан бирга, уларнинг мулкӣ ҳуқуқларига ҳам алоҳида аҳамият берилган, бунга яққол мисол сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни VII боби “васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” деб белгиланганлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Албатта, бу бежизга эмас, сабаби васийлик ва ҳомийликдаги шахслар ҳам фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари қатори мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга. Н.Ашурованинг фикрича, ҳар қандай фуқаро ёшидан қатъи назар мулкдор бўлишга ҳақлидир. Бошқача айтганда, вояга етмаганларнинг мулкка эгалик ҳуқуқи вояга етганларнинг ҳуқуқ лаёқатидан фарқланмайди. Фақатгина мулк ҳуқуқини амалга ошириш имконияти вояга етган ва вояга етмаган фуқароларда фарқланиши мумкин. Вояга етмаганлар мулкка эгалик ҳуқуқини

амалга оширишда ўзлари эмас, вакиллари орқали муносабатга киришишади³². Айрим илмий адабиётларда ҳам мулкдорни ўз мол-мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи унинг томонидан ёхуд у томонидан тайинланган шахслар томонидан амалга оширилиши назарда тутилган³³, яъни васийлик ва ҳомийликдаги шахслар ҳам ўз мол-мулкини тасарруф этишда айнан ўз вакилларидан фойдаланадилар. Шу билан бирга, Н.Ашурова таъкидлашича, вояга етмаган мулкдор бевосита ўзи ёки вакиллари кўмагида таъсисчи сифатида юридик шахсларнинг тадбиркорлигида иштирок этишлари мумкин³⁴. Ж.Юлдашев эса жисмоний шахслар муомала лаёқатига эга бўлсалар ёки вакиллари орқали муассис бўлишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтган³⁵. Назаримизда, муаллиф бу ҳолатда вакилликнинг ҳарқандай турини назарда тутган. Айрим адабиётларда ҳозирги кунда амалиётда вояга етмаганларнинг мол-мулкларини турли тижорат ташкилотларига ҳисса сифатида қўшиш ҳолатлари учраётганлиги кўрсатилган³⁶. Аммо Н.Ашурованинг фикрича, қонунчиликда вояга етмаганларнинг тижоратчи юридик шахслар фаолиятида иштироки, мулкӣ бадаллар, ҳиссалар қўшиш имкониятининг мавжудлиги ҳақида нормалар мавжуд эмас. Ушбу муаммоли масалани мол-мулкни ишончли бошқаришга бериш институтини қўллаш орқали ҳал қилиш ҳам мумкин³⁷. Б.Р.Топилдиев ҳозирги кунда васийлик ва ҳомийликдаги шахслар мол-мулкини ишончли бошқаришга беришнинг шартномавий тартибини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш, бунда васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозимлиги, шу билан бирга, ФКга ва “Ўзбекистон

³² Ашурова.Н.Вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки. Дисс. Ю.ф.н.-Тошкент, 2008.

³³ Баратов. М. Х. Мулк ҳуқуқи.Т.:2009.-б 58.

³⁴ Ашурова.Н.Вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки. Дисс. Ю.ф.н.-Тошкент, 2008.

³⁵ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари - фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Тошкент, ТДЮИ. 2004. –78 б.

³⁶ Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари. –Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2007. 57 б.

³⁷ Ашурова.Н.Вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки. Дисс. Ю.ф.н.-Тошкент, 2008.

Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низомга “васийлик ва ҳомийликдаги шахс мол-мулкни бошқаришнинг шартномавий тартиби” номли модда киритилишини мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди³⁸. Лекин фикримизча, ушбу муаллифларнинг таклифларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди, сабаби биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунга мувофиқ васийликдаги ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулки васийлик ва ҳомийлик органларининг назорати остида васий ва ҳомийлар томонидан тасарруф этилади. Сабаби, Л.Ю.Михеева таъкидлаганидек, васийликка олинувчининг шахси ва мулки юзасидан ғамхўрлик қилиш вазифасини битта шахс (васий ёки ҳомий) бажариши мумкин. У бу соҳада тегишли имкониятга эга бўлиб, нафақат бола тарбияси билан, балки унинг сармояси ўсиши билан ҳам шуғулланиши мумкин. Шу билан бирга, васийлик остидаги шахснинг мол-мулки мавжуд бўлмаслиги мумкин, бунда эса уни қўриқлаш билан боғлиқ муаммо ҳам бўлмайди³⁹. Бундан ташқари, васийлик ва ҳомийлик органларига васийлик ва ҳомийликдаги шахслар мол-мулкни ишончли бошқаришга беришдан кўра уларни ўз назорати остида васийларга ёки ҳомийларга тасарруф эттириш ҳар томонлама қулай ҳисобланади ва бу мол-мулкнинг йўқ бўлиб кетишининг олдини олади. Иккинчидан, масаланинг иқтисодий томони билан боғлиқ, яъни васийликдаги ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулки васийлик ва ҳомийлик органларининг назорати остида васий ва ҳомийлар томонидан тасарруф этиш, уларнинг мол-мулкни ишончли бошқаришга беришдан кўра арзон. Чунки, Ҳ.Раҳмонқулов таъкидлаганидек, васий ва ҳомий бўлиш фахрли вазифа ва одамийлик, қариндош-уруғчилик бурчи сифатида тан олинади. Шунинг учун ҳам васийга ва ҳомийга уларнинг хизмати учун қандайдир бир шаклда бўлмасин мукофот қонунда назарда тутилмайди⁴⁰.

³⁸ Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли бошқаришни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Автореф. Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2008. -19 б.

³⁹ Михеева Л.Ю. Доверительное управление в деятельности органов опеки и попечительства. Учебно-практическое пособие.-Барнаул, 1998.-С.133-134.

⁴⁰ Раҳмонқулов. Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент, 2008. -б 40 .

Вакиллик институтида қонуний вакилликдан ташқари, шартномавий вакиллик, ундаги ваколат берувчининг ва вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шартномавий вакилликда энг кўп бўладиган вакиллик бу - топшириқ шартномаси асосида амалга ошириладиган вакилликдир.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 817-моддасига кўра, топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчида вужудга келади.

Топшириқ вакил томонидан бир ёки бир неча муайян юридик ҳаракатларни содир этиш ҳақида ёки топшириқ берувчининг ишларини унинг кўрсатмаларига мувофиқ юритиш ҳақида берилиши мумкин.

Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 820-моддасидаги вакилнинг мажбуриятлари қуйидагилар билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- 1) топшириқни топшириқ берувчининг кўрсатмалари доирасида бажариш;
- 2) ўзбошимчалик билан кўрсатмалардан четга чиқмаслик, агар вазият тақозо этса чиқиш ва ваколат берувчига хабар бериши шарт;
- 3) ўзига боғлиқ болмаган ҳолатларда, вазиятнинг жиддий ўзгариши, ваколат берувчининг манфаати хавф остида қолганлигини огоҳлантириш;
- 4) ўзига маълум ахборотларни сир сақлаш.

Шу билан бирга, қуйидаги ҳуқуқлар:

- 1) кўрсатмаларнинг аниқ кўрсатилишини, тушунтирилишини талаб этиш;
- 2) кўрсатма берилмаса ваколат берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат этиш;
- 3) вазият тақозо этса четга чиқиш;

- 4) топшириқни бажаришни ўз ўринбосарига топшириш;
- 5) шарномадан воз кечиш ҳуқуқлари;
- 6) топшириқ, вазият ҳақида ваколат берувчи билан маслаҳатлашиш ва ўз фикирини билдириш.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 821-моддасида топшириқ берувчининг мажбуриятлари сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

- вакилни топшириқни бажариш учун зарур маблағлар билан таъминлаши;

- вакил шартномага мувофиқ бажарган ишни кечиктирмасдан қабул қилиб олиши;

- вакил топшириқни бажариш учун қилган зарур харажатларни тўлаши;

- топшириқ бажарилганидан кейин, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бўлса, вакилга ҳақ тўлаши шарт.

Фикримизча, бу моддадаги мажбуриятларга қуйидаги мажбуриятларни ҳам қўшсак бўлади:

1) кўрсатмаларни аниқ ва тўғри кўрсатиш;

2) топшириқ бўйича барча маълумотларни тақдим этиш ва бошқа мажбуриятларни кўрсатишимиз мумкин.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда қонунчилигимизда вакиллик институти субъектларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлигига қарамай, ҳалиям айрим камчиликлар сезилади, айниқса уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ, тўлиқ тарзда кўрсатилмаган. Айрим вакиллик шаклларида эса бошқа норматив ҳужжатларга ҳавола қилиш кўринишида берилиб ўтилган. Бу эса ушбу муносабатларда чалкашликларни ва оқсоқ ҳолатларни вужудга келтириши мумкин. Шунинг учун юқоридаги тақлифлар қонунчиликда ўз аксини топса вакиллик институтининг ҳуқуқий тартибга солиниши янада мустаҳкамланган бўлар эди.

I боб бўйича Хулоса: I боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, шуни айтиш керакки, мазкур бобда асосий эътибор фуқаролик ҳуқуқида вакиллик тушунчаси, аҳамияти, унинг мазмун-моҳиятини ёритиш, вакилликнинг ривожланиш тарихини, у ҳақида хорижий ва миллий олимларимизнинг вакиллик тушунчасига оид фикр-мулоҳазлари, уларни таққослаш ва таҳлил этиш, вакиллик институтининг ўзига хос хусусиятларини, унинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тутган ўрни ва аҳамияти таҳлил этилди. Шу билан бирга, вакил орқали тузилиши мумкин бўлмаган битимлар, бу бўйича қонунчиликдаги айрим камчиликлар, вакиллик муносабатларининг субъектларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрганилиб қуйидаги хулосаларга келинди:

- “Тижорат вакиллик тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилиш;
- ЎзР ФКнинг 129-моддаси 1-қисмига тегишли тартибда ўзгартириш киритиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунга 33¹ -моддаси қўшилиб, унда ҳомийликдаги шахсларнинг мажбуриятларини кўрсатиш;
- ЎзР ФКнинг 820-821-моддаларидаги вакил ва топшириқ берувчининг мажбуриятларини тўлиқтириш.

II боб. Фуқаролик ҳуқуқида вакилликнинг турлари

2.1. Фуқаролик ҳуқуқида вакилликни турларга бўлиш мезонларининг умумий тавсифи

Бугунги кунда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги муносабатларнинг ривожланиш даражаси шу қадар тезкорлик билан рўй бераптики, бугунги янгилик эртага эскириши ва жамият манфаатларига тўғри келмай қолиши мумкин.

Жумладан, вакиллик билан боғлиқ муносабатлар ҳам жадаллик билан ривожланиб бораётган фуқаролик-ҳуқуқий институтлардан бири ҳисобланади. Вакилликнинг ҳуқуқий тартибга солинишини, унинг турлари билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб боришни ҳам муҳим масалалардан бири сифатида баҳолашимиз мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, вакилликни қуйидагича турларга бўлиш мумкин:

- Ишончномаган асосланадиган шартномавий вакиллик;
- Қонуний вакиллик;
- Суд қарори ёки давлат органининг актига асосланадиган вакиллик;

• Жамоат вакилиги — жамоат бирлашмаларининг ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вакилиги. Жамоат бирлашмаси ўзининг, аъзоларининг, шунингдек бошқа фуқароларнинг ва давлат ҳокимияти органларининг, жамоат ташкилотларининг манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Вакилликнинг ушбу турини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳам қўллаш мумкин.

Суд томонидан белгиланадиган вакилликнинг кенг тарқалган тури - бу бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкни бошқариб туриш ва унга нисбатан вакилликни амалга ошириш учун тайинланадиган вакилликдир. Бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкни

доимий равишда бошқариб туриш зарур бўлса, бу мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ, вассийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланадиган ва ушбу орган билан тузиладиган ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома асосида иш олиб борадиган шахсга топширилади. Ушбу мол-мулкдан бедарак йўқолган шахс қонунга мувофиқ тарбиялаши керак бўлган фуқароларга таъминот берилади ва унинг солиқлар ва бошқа мажбуриятлари бўйича қарзлари тўланади.

Вассийлик ва ҳомийлик органи йўқолган фуқаронинг қаердалиги тўғрисида маълумот олинган кундан бошлаб бир йил ўтганга қадар унинг мол-мулкни муҳофаза қилувчи шахсни белгилаши мумкин. Суд томонидан вакилликни бундай шаклининг белгиланишидан мақсад нафақат бедарак йўқолган фуқаронинг, балки унинг тарбиялаши керак бўлган шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини, мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Ушбу вакиллик шаклининг белгиланишида энг муҳим ҳолат муддат ҳисобланади. Сабаби қонунчилик ҳарқандай муддатни эмас, балки аниқ муддатни, яъни агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмасагина уни бедарак йўқолган деб топиш ва унинг мафаатларини муҳофоза этиш учун вакиллик белгиланишини назарда тутмоқда. Аммо Р.Матқурбановнинг таъкидлашича, фуқаронинг узоқ муддат бедарак кетиши билан боғлиқ юридик ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш муддатини қисқартирилиши лозим. Чунки бу ҳолат фуқаронинг ижтимоӣ, мулкӣ ва оилавий муносабатлардаги иштироки билан боғлиқ муаммоларини тез ва самарали ҳал қилиш имконини беради. Масалан, фуқаронинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар пенсия олиш учун бир йил кутиш имкониятига эга эмаслар, чунки улар боқувчининг қарамоғидаги шахс ҳисобланадилар.

Маъмурий актга асосланган вакиллик – вакилликнинг ушбу турига мувофиқ, маъмурий тартибда тайинланган вакил ваколат берувчининг номидан ҳаракат қилиш мажбуриятини олади.

Маъмурий актга асосланган вакилликка мувофиқ, вакил маъмурий акт амал қилиб турган даврда ваколат берувчининг номидан ҳаракат қилиш мажбуриятини олади. А.П.Сергеев мисол тариқасида кооператив ёки жамоат ташкилотининг номидан вакилликни амалга оширишни, шунингдек, юридик шахс ўзининг маълум бир аъзосини вакилликни амалга ошириши билан боғлиқ фаолиятга тайинлаш тўғрисидаги буйруғини келтиради. Унга биноан, ушбу вакил судда вакиллик, бундан ташқари, юридик шахснинг мол-мулкига нисбатан ҳам юридик ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлади. Маъмурий актга асосланган вакилликда вакил ўз фаолиятини муайян корхонадаги ички меҳнат қоидалари асосида ҳам амалга ошириши мумкин.

Шартномага асосланган вакиллик вакиллик турлари орасида энг кенг тарқалганларидан бири ҳисобланади. Шартномавий вакиллик ихтиёрий вакилликнинг бир туридир. Вакилни ваколат берувчининг ўзи эркин танлаш ҳуқуқига эга. Бунда вакилнинг муомалага тўлиқ лаёқатли бўлиши талаб этилади. Вакил билан шартномани тузиш ва уни бекор қилиш, унга бериладиган ваколатлар тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади. Бунда тарафлар қонун нормаларидан четга чиқмасликлари талаб этилади. Шартномавий вакиллик асосан топшириқ шартномасига асосланади.

А.Невзгодинанинг фикрича, тарафларнинг хоҳиш-иродаси талаб этилмайдиган қонуний вакилликдан фарқ қилган ҳолда, шартномавий вакиллик фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг хоҳиш-иродасига асосланади. Шартномавий вакилликда нафақат ваколат берувчининг хоҳиш-иродаси, балки, вакилнинг ҳам розилиги талаб этилади, яъни ихтиёрий вакилликнинг

юзага келиши учун ваколат берувчи хоҳиш-иродасининг ўзи етарли бўлмайди⁴¹.

Шунингдек, унинг фикрича, биргаликдаги фаолият тўғрисидаги келишув, кооператив ва жамоат ташкилотидаги аъзолик факти ва меҳнат шартномаси асосида юзага келган вакилликни ихтиёрий вакиллик сифатида баҳолаб бўлмайди. Масалан, ишчи ва хизматчилар ўз вазифаларини бажариш тўғрисида меҳнат шартномаси тузадилар. Бунда шартнома тузиш жараёнида иш берувчи ва ходим меҳнат шартномасини бажариш жараёнида вакилликни амалга ошириш тўғрисида ҳам ўз хоҳиш-иродаларини билдирадилар (сотувчини, кассирни ишга қабул қилишда) ва ушбу ҳолатдаги вакиллик ихтиёрий вакилликка ўхшашликни касб этади.

Лекин, бошқа тарафдан, барибир маъмурий акт вакилликнинг юзага келишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки вакилликни бекор қилиш учун тарафларнинг ўз-хоҳиш иродаларини билдириши етарли бўлмайди. Бу вакиллик меҳнат қонунчилиги талабларига асосланиш лозим бўлади.

Демак, юқоридагиларга асосан, ҳар қандай ҳолатда ҳам меҳнат шартномаси асосида вакиллик амалга оширилганда, қандайдир жиҳатлардан мажбурий вакиллик қоидалари амал қилади.

Қоидага кўра, юридик шахс вакил вазифаларини амалга ошириши мумкин, агар ушбу ҳолат унинг уставида белгиланган мақсадларига зид бўлмаса. Юридик шахс томонидан амалга ошириладиган вакилликни муайян шахс бажаради. Шунинг учун қонунда юридик шахс томонидан вакиллик амалга оширилиши тўғрисида қоида киритиш учун зарурият йўқ, деб фикр билдириш мумкин.

Вакиллик институти фуқаролик ҳукуқида кенг қўлланиш соҳасига эга. Унга эҳтиёж нафақат ваколат берувчи шахснинг бу вазифаларни шахсан ўзи бажара олмаслиги (муомалага лаёқатсизлиги, хизмат сафарига кетганлиги,

⁴¹<http://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-otnoshenii-predstavitelstva-v-grazhdanskom-prave#ixzz2j1SPqcvV>.

касаллиги) балки, махсус билимлардан фойдаланиш, вақтни тежаш учун ҳам қўлланилади. Вакил ёрдамида нафақат мулкӣй, балки шахсий номулкӣй ҳуқуқларни ҳам амалга ошириш мумкин⁴².

Баъзи адабиётларда ҳолатга қараб белгиланувчи вакиллик тўғрисида ҳам фикр билдирилади (аҳолига оммавий хизмат кўрсатувчи муайян ташкилот ходимининг муайян жойда вазифаларни бажариш)⁴³.

О.Иоффенинг фикрича, ваколат юридик факт бўлиб ҳисобланади ва ваколат берувчининг ҳуқуқ лаёқатига вакилнинг муомала лаёқатин кўшилишининг чегарасини белгилаб беради⁴⁴.

Ваколатсиз вакиллик қуйидаги ҳолларда юзага келади:

- Вакиллик тўғрисидаги келишувнинг йўқлиги;
- Ишончноманинг нотўғри расмийлаштирилганлиги;
- Вакиллик доирасидан четга чиқиш⁴⁵.

Адабиётларда вакилликдан фойдаланишнинг юридик ва фактик сабаблари келтириб ўтилади.

Юридик сабаблар: муомала лаёқатининг йўқлиги, муомала лаёқатининг чекланиши, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши;

Фактик сабаблар: касаллик, ҳуқуқӣй саводсизлик, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан амалга ошириш хоҳиш-иродасининг мавжуд эмаслиги⁴⁶.

Фикримизча, вакилликни субъектлар мезонига кўра бўлиш мумкин:

- Муомалага лаёқатли барча шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган вакиллик (шартномавий вакиллик)

⁴²Гражданское право. Учебник под ред проф А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого 1 том, -Москва.: Проспект, 2005, с 322.

⁴³М.Ф.Лукияненко. Гражданское право Российской Федерации. Учебное пособие. Издательство Тюменского Государственного университета, 2004, с 183.

⁴⁴М.Ф.Лукияненко. Гражданское право Российской Федерации. Учебное пособие. Издательство Тюменского Государственного университета, 2004, с 184.

⁴⁵Юқор манбага қаранг

⁴⁶Гражданское право. Учебник, 3-ое издание под ред Е.А.Суханова. –Москва, Волтерс Клувер, 2005, с 542.

- Фақат маълум шахслар доираси томонидан амалга ошириладиган вакиллик. (Қонуний вакиллик)

Шу билан бирга, вакилликни ундаги ваколатлар доираси кўра:

- Умумий вакиллик
- Махсус вакиллик турларига бўлиш мумкин.

Шунингдек, вакилликни ундан кўзланадиган мақсадга мувофиқ:

- Ижтимоий вакиллик
- Тижорат вакиллиги турларига ажратиш мумкин.

Вакилликни турларга бўлиш масаласи соф назарий тусга эга бўлсада, улардаги ўзига хос жиҳатлар вакилликнинг алоҳида турларини амалиётга тадбиқ этишда муҳим ўрин тутди. Шу боис вакилликни турларга бўлиш масалаларини ўрганиш ва бу борада муайян қоидаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

2.2. Фуқаролик ҳуқуқида вакилликнинг турлари: умумий ва махсус, шартномавий ва қонуний вакилликнинг моҳияти

Юқорида вакилликни турли меъзонларга кўра, турларга бўлинишини атрофлича таҳлил этдик ва кўриб чикдик. Энди вакилликнинг баъзи турлари, уларнинг юзага келиши, бекор бўлиш асослари, ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Умумий ва махсус вакиллик тўғрисида манбаларда етарлича маълумотлар бериб ўтилмаган. Вакилликни умумий ва махсус вакилликка ажратишнинг меъзони бўлиб, вакилга бериладиган ваколатлар доираси ҳизмат қилади.

Умумий вакиллик бош ишончномага асосланади. Умумий ваколатлар асосида иш олиб боровчи вакил ваколат берувчи номидан муайян муносабатларда қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари, барча юридик хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлади.

Махсус вакилликда вакил ишончнома ёки шартномада кўрсатилган хатти-ҳаракатларнигина амалга ошира олади, яъни вакилнинг ваколатлари бирмунча чекланган бўлади. Махсус вакиллик фуқаролик процессида кенг қўлланилади. Лекин биз фуқаролик ҳуқуқидаги вакиллик билан фуқаролик процессидаги вакилликни адаштирмаслигимиз керак, чунки улар ўзига хос белгилари ва фарқлари билан бир-биридан ажралиб туради.

Юридик адабиётларда суддаги вакиллик тушунчасига ҳар хил тарифлар берилган, жумладан, Ш.Шорахметовнинг таъкидлашича, судда вакиллик қилиш манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича ёки қонунда назарда тутилган барча асосларга кўра процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳисобланади⁴⁷. К.Олимованинг фикрича, суддаги вакиллик институти вакиллик остидаги шахс номидан унга мақбул бўлган ҳал қилув қарори чиқаришга эришиш мақсадида амалга ошириладиган фаолият, шунингдек вакиллик остидаги шахснинг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга ва судда унинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга ёрдамлашувчи ҳамда фуқароликишлари бўйича судларга одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатида таъриф бериш тўғри бўлади⁴⁸. Рус олимлари Л.В.Войтович ва Н.А.Ефремовлар фуқаролик процессуал вакилликни вакил томонидан фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда вакиллик остида бўлган шахснинг манфаатлари юзасидан амалга ошириладиган процессуал фаолият деб ҳисоблайдилар⁴⁹. М.К.Треушников эса суддаги вакиллик бир шахснинг бошқа шахс манфаати юзасидан судда бошқа шахс томонидан берилган ваколат асосида амалга ошириладиган фаолияти эканлигини таъкидлайди⁵⁰. Ҳозирда олимлар фуқаролик процессидаги вакиллик бўйича икки хил йўналишда фикр юритади, яъни аксарият процессуалист олимлар

⁴⁷ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик.- Тошкент.: Адолат.2001.- б 92.

⁴⁸ Олимова К.К. Суддаги вакиллик тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва белгилари.

⁴⁹ Войтович.Л.В.,Ефремов.Н.А. Представительство в гражданском и арбитражном процессе: Учебное пособие.- Хабаровский: Хабаровский пограничный институт ФСБ России,2005.- с 41.

⁵⁰ Гражданский процесс// Учебник. Под Ред. д.ю.н, проф. М.К. Треушников. – М.: Юриспруденция.2001.- с78.

фуқаролик процессуал вакиллик ўзига хос, мустақил белгилари билан фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликдан ажралиб туради деса, баъзи олимлар фуқаролик процессидаги вакилликни фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликнинг бир тури деб, ҳисоблайди. М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, фуқаролик процессидаги вакилликни фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликнинг бир тури деб эътироф этган олимларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки фуқаролик процессидаги вакилни фуқаролик ҳуқуқидаги вакил билан қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи қўйидаги белгилари мавжудлиги кўзга ташланади:

Биринчидан, мазкур ҳуқуқий институтларни тартибга солишнинг предметлари турлича бўлади. Фуқаролик ҳуқуқидаги вакиллик модий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади, фуқаролик процессидаги вакиллик эса процессуал ҳуқуқий муносабатни тартибга солади ва ушбу муносабат вакил билан суд ўртасида юзага келади;

Иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқидаги вакиллик билан фуқаролик процессидаги вакиллик бошқа-бошқа мақсадларни назарда тутди. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатдаги вакилликнинг мақсади- бу бошқа бир шахснинг номидан битим тузиш ҳисобланади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда вакил олдида турган мақсадлар ўзига хос хусусиятларга эга, яъни, биринчидан, вакил ваколат берган шахсга малакали юридик ёрдам кўрсатади, иккинчидан эса, судлар томонидан одил судловнинг амалга оширилишига кўмаклашади. Навбатдаги фарқ қилувчи белги бу- фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик процессида вакилликнинг юзага келиш асослари турлича эканлигидадир⁵¹. Назармизда, бундай фарқловчи белгилар қаторига қўйидагиларни ҳам киритиш мумкин, жумладан, вакиллик субъектларининг ҳуқуқий ҳалоти, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вакилнинг ваколатлари, вакилликнинг бекор бўлиш асосларини, тарафларнинг жавобгарлик доираси ва бошқа белгилардир. Айнан шу каби бир қатор ўзига хос белилар билан

⁵¹Мамасиддиқов.М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Тошкент.:2010,- б 193-194.

фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликдан фуқаролик процессида вакиллик фарқланади.

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида қонуний вакиллик - вакилликнинг шундай турики, бунда вакиллик билан боғлиқ муносабатлар қонунда тўғридан-тўғри асосларда кўрсатилган ҳолларда юзага келади. Қонуний вакилликнинг вакилликнинг бошқа турларидан асосий фарқларидан бири, унинг юзага келиши учун ваколат берувчининг хоҳиш-иродаси талаб этилмайди. Чунки у муомалага лаёқатсиз ҳисобланади. Шу боис қонуний вакиллар ўзларининг вакиллигида бўлган шахсларнинг манфаатларини учинчи шахслар билан бўлган барча муносабатларда, шу жумладан судда ҳам ишончномасиз ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Қонуний вакиллик қуйидаги асосларга кўра юзага келади;

- Ота-оналик факти асосида;
- Фарзандликка олишни белгилаш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ.
- Васийлик ва ҳомийликнинг белгиловчи ҳокимнинг қарори асосида.

Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланади ва ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар. Бунинг учун боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспортини кўрсатиши етарли, чунки бундан боланинг ҳақийқий отаси ёки онаси эканлиги билиниб туради. Ф.Отаҳўжаевнинг таъкидлашича, давлат ота-онага ўз болаларига нисбатан кенг ҳуқуқларни бериб умумий қоида бўйича уларни амалга ошириш жараёнига аралашмайди. Бироқ бунда давлат ўз шартларини қўяди. Асосий эътибор ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас⁵². Албатта, ота-оналик ҳуқуқи фуқароларнинг энг олий ва дахлсиз ҳуқуқларидан бири бўлиб, бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш эса энг сўнгги чора ҳисобланади. Бу

⁵²Отаҳўжаев.Ф. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи.-Тошкент,2005.

чора ота—оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларини қўпол равишда бузган шахсларга нисбатангина қўлланилади. Бу чора ота—оналарга жуда оғир жудолик келтиради⁵³.

Ҳозирги кунда қонунчиликда ҳам ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказмасликлари лозимлигини ва болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлик, инсоний қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлардан, болаларни ҳақоратлаш ёки уларга тайзик ўтказишдан ҳоли бўлишлари кераклиги кўрсатилган. Агар ота-оналар ўзларининг ота-оналик ҳуқуқларини болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратиб амалга оширсалар бунинг учун улар фуқаролик-ҳуқуқий, жиноий, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ш.Юлдашевнинг таъкидлашича, ота-оналарнинг жавобгарлиги оила қонунчилиги нормалари асосида ҳам вужудга келишлиги мумкин, яъни маълум шартларнинг мавжуд бўлиши ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш учун асос бўлиши мумкин⁵⁴. Абатта, ҳаётда бўладиган ҳархил объектив ва субъектив омиллар натижасида ҳамма ота-она ҳар доим ҳам болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошира олмасликлари мумкин. Яъни, агар ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади. Сабаби, васийлик ва ҳомийлик

⁵³Солиева.С.К. Вояга етмаган болаларнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми.Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2012.

⁵⁴Юлдашева.Ш. Оила ҳуқуқи.- Тошкент.2009.

органларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳам айнан ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни аниқлаш ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳисобланади.

Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар васийлик ва ҳомийлик органига:

- боланинг қариндошлари;

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари);

- фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларининг мансабдор шахслари (фуқароларнинг ўлимини рўйхатдан ўтказишда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар мавжудлиги маълум бўлганда, шунингдек бошқа ҳолларда);

- судлар (фуқарони муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш тўғрисида, уни вафот этган деб эълон қилиш тўғрисида қарорлар чиқарилганда, қарамоғида вояга етмаган болалар мавжуд бўлган шахсларни қамокқа олишда ёки озодликдан маҳрум этишда, шунингдек болалар ота-онасининг қаровисиз қолган бошқа ҳолларда);

- муассасалар (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари ва бошқа муассасалар), жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари;

- болалар ота-онасининг қаровисиз қолганлигининг сабаблари ҳар бир ота-онага нисбатан якка тартибда аниқланади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек ота-онаси олти ойдан ортиқ бўлмаган ҳамда уларнинг тарбияси ва таъминотида қатнашмаётган, ота-онанинг эътибори ва ғамхўрлиги намоён бўлмаётган болалар тўғрисидаги маълумотларни беради.

Тегишли маълумотларни олгандан кейин васийлик ва ҳомийлик органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бундай болаларни оила (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га бериши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасалар (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалар)га тарбиялашга бериши лозим.

ЎЗР ОКнинг 151- моддасига мувофиқ, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра суд қарори билан амалга оширилади.

Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин, қуйидаги шахслар бундан мустасно:

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

- қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

- асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;

- ушбу Кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

- қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади. Айнан шу вақтдан бошлаб фарзандликка олган шахс фарзандликка олинган боланинг қонуний вакили сифатида унинг манфаатларини кўзлаб турли юридик ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Албатта, қонунчиликдаги бундай нормаларнинг мавжудлиги давлатимизда ёш авлод тарбиясига муҳим аҳамият берилишини билдириб, болаларнинг соғлом оилада тарбияланиши ва уларнинг эртанги куннинг муносиб эгалари сифатида комил инсон бўлиб этилишини таъминлайди. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида «жамиятда, айниқса ёшлар ўртасида маънавий муҳит ва одоб- ахлоқ, оилани мустаҳкамлаш, оила ришталари барқарорлигини таъминлашга мамлакатимизда ҳар доим катта эътибор қаратилган ва бугунги кунда ҳам бу юксак кадрланади. Ўйлайманки, соғлом оила, оиладаги соғлом муҳит соғлом бола туғилишида улкан аҳамиятга эга эканлигини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ»лигини таъкидлайдилар⁵⁵.

Ҳозирги кунда амалиётда кўп учрайдиган қонуний вакилликнинг яна бир шакли васийлик ва ҳомийлик ҳисобланади.

Васийлик ва ҳомийлик кўйидаги шахсларга нисбатан белгиланади:

- Вояга етмаганлар болаларга нисбатан, яъни а) ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга б) ота-онаси бўлган вояга етмаган болаларга, с) ота-она вақтинча бўлмаганда болаларга васийлик ёки ҳомийлик белгиланади.

- қонун ҳужжатларига биноан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки муомала лаёқати чекланган шахсларга, лекин бундай шахсларнинг ҳуқуқий ва ақлий ҳолати ўртасида ўзи хос фарқлар мавжудлигини ҳам унатмаслик лозим, зеро фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишдан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Бинобарин,

⁵⁵ Каримов.И.А. Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: Соғлом она соғлом бола. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов халқаро симпозиум очилишидаги нутқи.

муомала лаёқати чекланган фуқаро ўз манфаатларини ҳимоя қилишда самарали ҳимояга эга ҳисобланади. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш объектив омиллар билан боғлиқ. Яъни, фуқаро руҳий касаллиги ёки ақлий норасолиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятни тушуна олмайди ва уларни бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш эса субъектив омиллар билан боғлиқ ҳисобланади, яъни спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида фуқаро ўз ҳаракатларининг оқибатини тушунсада, ўз оиласини молиявий жиҳатдан қийин аҳволига солиб қўяди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролик конунчилиги бир-бирига турдош бўлган икки институт – шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш ва муомала лаёқатини чеклашни бир-бирдан фарқли жиҳатларини аниқ ифодалайди ҳамда бундай фарқланиш уларнинг мақсадида намоён бўлишини белгилайди. Бинобарин, шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш унинг мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчилари томонидан суиистеъмол қилинишидан ҳимоя қилиш механизми сифатида эътироф этилса, фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш унинг оила аъзолари мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади⁵⁶. Айрим адабиётларда ҳам вояга етган шахснинг муомалага лаёқати икки шарт мавжуд бўлганда чеклаш мумкинлиги айтилади: спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш ва иккинчиси, шунинг натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қуйиш. Лекин, агар фуқаро бир ўзи (оиласиз) истиқомат қилаётган бўлса, унинг муомала лаёқати чекланиши мумкин эмаслиги ҳам таъкидланган⁵⁷. Демак юқоридаги муаллифлар шахснинг муомала лаёқати чеклашга асос бўладиган энг муҳим ҳолат сифатида “оила ва унинг манфаатларини ” назарда тутмоқда. Назаримизда, Суд фуқаронинг

⁵⁶Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. Автореф. дисс...д.ю.н. –Ташкент, 2008. – с 33-34 .

⁵⁷Муаллифлар жамоаси.Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ I-жилд.-Тошкент:Vektor-press,2010.-б 84.

нафақат ўз оиласини эмас, балки бошқа шахсларни (маҳалласидаги фуқароларни, қўшниларини) ҳам оғир моддий аҳволга солиб қўяётганлиги асосида ҳаммуомала лаёқатини чеклаб қўйса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, конституциямизда кўрсатилганидек, ҳар бир шахснинг шаъни, кадр-киммати, обрўси олий кадрият ҳисобланади ва шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқлар даҳлсиздир. Шу боисФКнинг 31-моддаси 1-қисмига “Спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини ёки бошқа шахсларни оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин” деган таҳрирда ўзгартирилиши лозим.

- Соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларга.

Ҳарқандай муомалага лаёқатсиз ёки тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган вояга етмаган шахслар ва муомала лаёқати чекланган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган битимлардан бошқа битимларни фақат васий ва ҳомийнинг розилиги билангина тузиши мумкин.

Ҳозирда амалётда учрайдиган қонунӣ вакилликнинг яна бир шакли суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкни доимий суръатда бошқариб туриш учун тайинланган вакилликдир. Албатта, ҳозирги кунда тадбиркорликнинг ривожланиши ва хусусий мулкчиликка кенг эътибор қаратилиши натижасида фуқаролар йирик қорхона ва заводларнинг, турли хилдаги қимматли қоғозларнинг мулкдори ҳисобланадилар. Бунда фуқаро бедарак йўқолган деб топилган тақдирда унга тегишли мол-мулкни бошқариш одатдаги васийлик институти орқали амалга оширилиши мумкин бўлмайди ва бу ҳолатда суд фуқарони бедарак йўқолган деб топиб, унинг

мол-мулкига ишончли бошқарувчи тайинлайди⁵⁸. Аммо бедарак йўқолган шахснинг мол-мулкани бошқариш ва унга нисбатан юридик ҳаракатларни амалга ошириш учун суд томонидан тайинланган вакил ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш асосида вакилликни амалга оширса ҳам тўлиқ равишда суд томонидан бериладиган кўрсатмаларга амал қилади.

Демак, қонунчилик бедарак йўқолган шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида унинг мол-мулкани бошқариб туриш учун вакил тайинлайди. Лекин яна бир муҳим ҳолат қонун назаридан четда қолган, яъни шахснинг кома ёки летаргик уйқу (узоқ вақт беҳуш ҳолатда ётиш) ҳолатига тушиб қолиши. Амалдаги қонунчиликда эса бундай ҳолатдаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш, уларнинг шахсий номулкӣ ва мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза этиш механизми ишлаб чиқилмаган. Аммо биз кома ёки летаргик уйқу (узоқ вақт беҳуш ҳолатда ётиш) ҳолатидаги шахсларнинг боилогик- жисмонӣ ҳолатини руҳӣ касаллиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмаганлиги ва мажбуриятларини бажара олмаганлиги учун ҳомӣ тайинланган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларнинг ҳолати билан таққослаб бўлмайди, чунки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс психологик жиҳатдан касал ҳисобланса, соғлиғининг ёмонлиги сабабли ҳомӣ тайинланган вояга етган муомалага лаёқатли шахс ақл-ҳуши жойида ва онгли равишда ҳамма нарсани тушунади. Р.Матқурбановнинг таъкидлашича, кома ёки летаргик уйқу (узоқ вақт беҳуш ҳолатда ётиш) ҳолатидаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини тартибга солиш, шунингдек, уларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалиётда бир қатор ноаниқ ҳолатлар вужудга келади. Бу вазиятга нисбатан фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш институтини қўллаш мумкин эмас.

⁵⁸Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли бошқаришни фуқаролик-ҳуқуқӣ тартибга солиш. Дисс...ю.ф.н. – Тошкент, 2008. –б 102- 103.

Чунки бу ҳолатда руҳий бузилиш эмас, балки узоқ вақт давомида сақланиб турадиган беҳушлик ҳолати кузатилади. Бундан ташқари, руҳий бузилиш ҳолатининг оқибатлари шахснинг тузалишига ва унга нисбатан “чеклаш” нинг бекор қилинишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, беҳушлик ҳолати ўткинчи бўлиши мумкин, чунки у руҳий бузилиш билан эмас, аксинча, жисмоний ҳолат билан боғлиқ бўлади. Мазкур ҳолатда кома ёки летаргик уйқу ҳолатида бўлган фуқароларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун “фуқаронинг муомала лаёқатини тўхтатиш” тушунчасини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир⁵⁹. Назаримизда бунда “фуқаронинг муомала лаёқатини тўхтатиш” эмас балки “фуқаронинг муомала лаёқатини тўхтатиб туриш” дейилса тўғрироқ бўлар эди, сабаби “тўхтатиш” сўзидан “тўхтатиб туриш” ибораси “вақтинча” маъносига кўпроқ яқиндир, чунки кома ёки летаргик уйқу ҳолатида бўлган фуқароларнинг муомала лаёқати бутунлай тўхтатилмасдан фақат вақтинча, шахс ҳушига келгунча тўхтатилиб турилиши керак. Аммо бундай ҳолатдаги шахснинг қачон ҳушига келишини ҳали медицина айтиб бера олмайди, шу боисдан бундай шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида суд томонидан вақтинчалик вакил тайинланса тўғри бўлар эди.

⁵⁹Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. Автореф. дисс... д.ю.н. –Ташкент, 2008. – с 13.

2.3. Тижорат вакиллигининг ўзига хос хусусиятлари

Тижорат ёки савдо вакиллиги мустақил равишда ёки вакилликнинг бир кўриниши сифатида А.О.Гордон, А.А.Евеевский, Л.Н. Казанцев, А.И. Каминка, Д.И.Мейер, Н.О.Нерсесов, Н.П.Победоносцев, В.И.Синайский, П.П.Цитович, Г.Ф. Шершеневич каби цивилист олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 133-моддасига мувофиқ, тадбиркорлар шартномалар тузаётганида улар номидан доимо ва мустақил суратда вакиллик қилувчи шахс (тижорат вакили) вакилнинг ваколатлари кўрсатилган ёзма шартнома асосида, бундай ваколатлар кўрсатилмаган тақдирда эса ишончнома асосида ҳам иш олиб боради.

Тижорат вакили ўзининг иштирокида тузилган шартномадаги турли тарафларнинг манфаатларини фақат бу тарафларнинг розилиги билан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллардагина айна бир вақтда ифодалаши мумкин.

Агар тарафлар билан тузилган битимда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тижорат вакили келишилган ҳақни ва топшириқни бажариш вақтида қилган чиқимларини тенг улушларда тўлашни шартномадаги тарафлардан талаб қилишга ҳақли.

Тижорат вакили ўзига берилган топшириқни бажариб бўлганидан кейин ҳам савдо битимлари тўғрисида ўзига маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши шарт.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим соҳаларидаги тижорат вакиллигининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Тижорат вакиллиги вакилликнинг махсус тури сифатида эътироф этилади.

Адабиётларда вакилликнинг мажбурий ва ихтиёрий вакиллик каби турлари кўрсатиб ўтилади⁶⁰. Бундай таснифлашга асос сифатида вакилларнинг қандай ҳужжатга кўра вакилликни амалга ошириши қабул қилинган. Чунки мажбурий вакилликка аксарият олимлар қонуний вакилликни мисол сифатида келтиришади ва уларда ишончнома бўлиши талаб этилмайди.

Тижорат вакиллиги ҳар доим шартнома ёки ишончномага асосланади. Шунинг учун ҳам вакилликнинг ушбу турини ихтиёрий вакилликка киритишимиз мумкин.

Шунингдек, адабиётларда тижорат вакиллиги шартномавий вакилликнинг бир тури сифатида эътироф этилади⁶¹.

Тижорат вакиллигининг моҳиятини тушуниб етишда уни воситачилик шартномаси билан адаштириб юбормаслигимиз лозим ва улар ўртасидаги фарқни билиб олиш талаб этилади:

-биринчидан, вакил фақат ваколат берувчининг номидан ҳаракат қилади ва вакил тузган шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ваколат берувчида юзага келади. Воситачилик шартномаси бўйича эса, бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади;

-иккинчидан, фуқаро вафот этган ёки воситачи юридик шахс тугатилган тақдирда воситачилик шартномаси бекор қилинади. Қонунда воситачининг меросхўрларидан бирор нарсани талаб қилиш кўрсатиб ўтилмаган. Вакил вафот этган тақдирда эса, унинг меросхўрлари ёки мерос мулкнинг сақланишини таъминлаш мажбурияти юклатилган бошқа шахслар топшириқ шартномаси бекор қилиниши ҳақида топшириқ берувчига кечиктирмай хабар беришлари ҳамда топшириқ берувчининг мол-мулкни муҳофаза қилиш учун

⁶⁰М.Ф.Лукьяненко. Гражданское право Российской Федерации. Учебное пособие. Издательство Тюменского Государственного университета, 2004, с 183.

⁶¹Гражданское право. Учебник I том. Под редакцией проф Сергеева. –М.: 2009, с 590.

зарур чораларни кўришлари, хусусан, топшириқ берувчининг ашёларини, шунингдек ҳужжатларини сақлаб қўйишлари, сўнгра эса унга топширишлари шарт. Вакил (ишончли вакил) бўлган юридик шахсни тугатаётган шахснинг зиммасида ҳам шундай мажбурият бўлади.

Агентлик шартномаси бўйича бир тараф (агент) ҳақ эвазига иккинчи тараф (принципал)нинг топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ принципал ҳисобидан ёхуд принципалнинг номидан ва ҳисобидан юридик ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Тадбиркор сифатида иш олиб бораётган вакил билан топшириқ шартномасидан бош тортаётган тараф шартномани бекор қилиш тўғрисида иккинчи тарафни, агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабардор қилиши шарт. Тижорат вакили бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганида топшириқ берувчи ўз топшириғини ана шундай олдиндан хабар бермай туриб бекор қилишга ҳақли.

Тижорат вакиллигининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- Ҳар доим икки томонлама шартномага асосланади;
- Вакил ўз фаолиятини тижорат билан боғлиқ равишда амалга оширади;
- Икки томонлама вакилликка фақат тарафларнинг келишуви билан йўл қўйилади⁶².

Умумий ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган тижоратчи юридик шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний ва юридик шахслар номидан вакилликни амалга ошириши мумкин, лекин бу тижорат вакиллиги сифатида эътироф этилмайди.

Агар умумий ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган юридик шахс тадбиркорлар номидан вакил вазифасини бажарадиган бўлса, тижорат вакиллиги сифатида эътироф этилади ва унга нисбатан тижорат вакиллиги тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

⁶²Мардалиев.Р.Т. Гражданское право краткий курс – Питер, 2006, с 46.

Ўзбекистон Республикасининг ФКда юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган вакиллик тўғрисида қоида бериб ўтилмаган, лекин ФКдаги нормалар мазмунидан вакилликни юридик шахслар ҳам амалга ошириши мумкинлиги ўз ифодасини топади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тижорат вакиллигининг юридик шахслар томонидан амалга оширилиши бугунги кунда кенг тарқалиб бормоқда.

Тижорат вакиллигининг тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги афзалликларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- Муайян ҳудудда тижорат вакиллиги асосида фаолият олиб бориш тадбиркорлик субъектлари учун филиал очишдан кўра, осон ва кам харажатли ҳисобланади;
- Тижорат вакили билан шартнома тузишда у томонидан тузиладиган шартномалар сонидан қатъий назар маълум бир қатъий суммада пул тўланишини назарда тутадиган шартнома ҳам тузиш мумкин;
- Тижорат вакили ваколат берувчи билан меҳнат муносабатлари асосида боғлиқ бўлмайди;
- Тижорат вакили бир вақтнинг ўзида шартномадаги турли тарафларнинг манфаатларини ифодалаши мумкин.

XIX асрнинг охирларидан бошлаб, Европа давлатларида тадбиркорлар томонидан ўзларининг энг ишончли ходимларига деярли чекланмаган ваколатларнинг берилиши тамойили кузатилган. Бундай хизматчилар прокуристлар ёки бош вакил, деб юритилади.

Тадбиркорнинг бошқа тижорат вакиллари билан фарқ қилган ҳолда, прокуристнинг ваколатлари доираси ва мазмуни қонунда белгилаб берилган (Германиянинг Савдо тузуклари, Швейцария, Австрия, Болгариянинг қонунчилик актлари) ва тадбиркорлар томонидан ўзгартирилиши мумкин бўлмаган. Демак, ушбу нормалар императив характерга эга. Тадбиркор ўз аризаси орқали прокуристни Савдо реестрида мажбурий рўйхатдан ўтказиши шарт.

Бош вакилнинг бундай ваколатларга эгалиги унга барча суд ва суддан ташқари ишларда, шартнома ва бошқа муносабатларда тадбиркор томонидан бериладиган ишончномасиз ҳам ҳаракат қилиш имконини беради. Германия ва Швейцария конунчилигида бундай ваколатлар савдо(тижорат) ваколатлари сифатида баҳоланади. Савдо ваколатлари конкрет турдаги корхона учун амалга ошириладиган юридик ҳаракатларга нисбатан тадбиқ этилади (Германия савдо тузуклари 54-модда, Швейцариянинг мажбурий конуни 462-модда).

Корхона хизматчилари томонидан амалга ошириладиган вакилликни ваколатлар доирасига кўра:

- Чекланган ваколатларга асосланадиган вакиллик;
- Чекланмайдиган ваколатларга асосланадиган вакилликка бўлишимиз мумкин. Чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бош вакилда чекланмаган ваколатлар мавжуд бўлади.

Корхона хизматчилари тўғридан-тўғри тижорат вакиллари сифатида ўзларининг иш берувчилари номидан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб шартномалар тузиш ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга оширади⁶³.

Ўзбекистон Республикасининг, РФ ва баъзи Европа давлатларининг конунчилиги бўйича тижорат вакили меҳнат муносабатлари асосида ваколат берувчи билан боғлиқ бўлмаслиги керак. Фикримизча, тижорат вакиллигининг корхона хизматчиси томонидан амалга оширилиши тадбиркор учун ҳам кам харажатли ҳисобланади ва вакиллик тўғрисида шартнома тузиш эҳтиёжини ҳам юзага келтирмайди, ишончноманинг ўзи етарли бўлади.

Тижорат вакиллиги турлари:

- Савдо ташкилотининг хизматчиси томонидан амалга ошириладиган вакиллик;
- Савдо агентлари томонидан амалга ошириладиган вакиллик;

⁶³ Зенин И.А. Гражданское и торговое право зарубежных стран: учебное пособие. - М., 2009. - С. 119-121

- Биржадаги вакиллик, агар вакил ваколат берувчининг номидан ҳаракат қилса.

Тижорат вакилига тўланадиган ҳақ миқдори тарафларнинг келишувига асосан белгиланади. Вакиллик шартномага асосланган ҳолатларда тўланадиган сумма миқдори кўрсатиб ўтилади.

Тижорат вакиллигини соҳасига қараб ҳам турларга бўлиш мумкин. Масалан:

- Суғурта соҳасидаги вакиллик;
- Савдо соҳасидаги вакиллик;
- Биржадаги вакиллик;
- Қимматли қоғозлар билан боғлиқ вакиллик;
- Кўчмас мулк бозоридаги вакиллик.

Албатта, юқорида кўрсатилган вакиллик турлари агар даромад олиш билан боғлиқ фаолиятдаги шартномаларга нисбатан бўлса, тижорат вакиллиги сифатида баҳоланади.

Бугунги кундаги тижорат вакиллиги бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалардан бири - бу борадаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни унификация қилишдир. Бу борадаги илк қадамлардан бири, 1983 йил 17 февралда қабул қилинган “Халқаро товарлар олди-сотдисиди вакиллик тўғрисида”ги Конвенция бўлиб ҳисобланади.

С.В Мелникнинг таъкидлашича, профессионал тижорат вакиллари билан шартномалар ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига асосида ҳам тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 703-моддасига мувофиқ, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси топшириқ шартномасига нисбатан тадбиқ этилмайди. Вакилликнинг айнан кўпчилик ҳолатларда топшириқ шартномаси асосида амалга оширилишини назарда тутадиган бўлсак, тижорат вакиллари ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига мувофиқ ҳаракат қила олмайди.

Агар ФКга ўзгартириш киритилиб, тижорат вакиллиги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси асосида ҳам амалга оширилиши тўғрисида қоида киритилса, тадбиркорларнинг тижорат фаолиятида ушбу ҳолат уларнинг фойдасига хизмат қилади, деб фикр билдирсак, муболаға бўлмайди. Чунки тадбиркорлик фаолиятига, тадбиркорларнинг жаҳон бозорига чиқишларига кўмаклашишда мамлакатимизда муҳим аҳамиятга эга кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бунга мисол тариқасида тадбиркорликнинг турли соҳалари бўйича мамлакатимизда ўтказилаётган кўргазмаларни келтириш мумкин.

Фикримизча, ФКга профессионал тижорат вакиллиги тўғрисидаги қоида киритиш лозим. Бу ўз навбатида, тадбиркорларнинг тижорат билан боғлиқ фаолиятидаги, экспорт ва импорт билан боғлиқ муносабатлардаги фаолликларини ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, С.В.Мелникнинг фикрича, профессионал тижорат вакилларига нафақат тадбиркор номидан балки, ўзларининг номидан иш олиб бориш ҳуқуқини бериш лозим⁶⁴. Француз тадқиқотчиси М. Bouteloup ҳақли равишда таъкидлаганидек, тижорат вакиллиги шак-шубҳасиз фуқаролик вакиллигининг концепциясидан келиб чиқади, лекин унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар тижорат вакиллигини алоҳида тушунча сифатида юзага чиқишига хизмат қилади. Хусусий ҳуқуқ дуализми мавжуд бўлган мамлакатларда, яъни ҳам фуқаролик ҳуқуқи ва савдо ҳуқуқи бирдек амал қиладиган давлатларда фуқаролик-ҳуқуқий ва савдо ҳуқуқий вакиллик фарқланади. Савдо ҳуқуқи билан тартибга солинадиган вакилликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай вакиллик тадбиркорлик соҳасида ва махсус ҳуқуқий мақомга эга шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимларни амалга ошириш жараёнида қўлланилади⁶⁵.

⁶⁴ Мельник С.В. Профессиональное коммерческое (торговое) представительство: Автореферат диссертация ... кандидата юридических наук. - Санкт-Петербург, 2004. - С. 11.

⁶⁵ <http://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-otnoshenii-predstavitelstva-v-grazhdanskom-prave#ixzz2j1SPqcvV> (Кулагин М.И. Предпринимательство и право: опыт Запада. М.: Дело, 1992. С. 17;

Тижорат вакиллигининг фуқаролик-ҳуқуқий вакилликдан фарқ қилувчи қуйидаги учта хусусиятини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Объектив жиҳатдан баҳолаганда, Франция, Белгия ва бошқа континентал ҳуқуқ тизими амал қилувчи давлатларда тижорат вакиллиги шартнома субъектларидан мустақил равишда шартноманинг тижорат билан боғлиқ бўлишидан келиб чиқади;

- Субъектив жиҳатдан баҳолаганда, Германия ва Японияда шартноманинг тижорат характерида бўлиши унинг тижоратчи томонидан амалга оширилишига боғлиқ бўлади⁶⁶.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги юқори даражада иқтисодий жиҳатдан ривожланган жамиятда тадбиркорлик субъектлари учун нафақат ички бозор учун, балки экспорт учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни хорижий давлатларга сотиш фаолиятини юритиш ва ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Бу эса ўз навбатида, ушбу соҳадаги фаолиятда тажриба ва малакага эга бўлган тижорат вакилларига эга бўлиш, улар билан ҳамкорлик қилиш эҳтиёжини юзага келтиради.

II боб бўйича Хулоса

Ушбу бобда фуқаролик ҳуқуқида вакилликнинг турларга бўлиниш мезонлари, уларнинг назарияда ва амалиётдаги аҳамияти, қандай асосларга кўра вакиллик турларга бўлиниши, бу бўйича назарияда мавжуд концепциялар, олимларнинг фикрлари ўрганилди. Шу билан бирга, ушбу мезонлар асосида вакилликнинг турлари, уларнинг амалга оширилиш шакллари, вакиллик турлари ўртасидаги ўзаро боғлиқ ҳолатлар, умумий ва фарқланувчи томонлари, ҳар бир вакиллик турининг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари тадқиқ этилди. Айниқса, тижорат вакиллиги, унинг аҳамияти,

Основные институты гражданского права зарубежных стран. Сравнительно - правовое исследование. М.: Норма, 1999. С. 1.

⁶⁶ Вестник РУДН, серия Юридические науки, 2009, № 4

бошқа вакиллик шаклларида ажралиб турувчи белгилари, ушбу вакилликнинг тадбиркорлик фаолиятида тутган ўрни, хорижий давлатларда тижорат вакиллигининг ҳуқуқий тартибга солиниши, унинг ўзига хос белгилари, ушбу давлатлар тажрибаларини миллий қонунчилигимизга жорий этиш масалалари таклиф этилди. Чунки тадқиқот давомида ҳозирги кунда қонунчилигимизда сезиларли камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шу боис хулоса сифатида қуйидаги таклифлар билдирилди:

- ЎзР ФКга кома ёки летаргик уйқу (узоқ вақт беҳуш ҳолатда ётиш) ҳолатидаги шахсларга нисбатан “муомала лаёқатини тўхтатиб туриш” тушунчасини киритиш ва бундай шахсларга вақтинчалик вакил тайинлаш;

- ЎзР ФКга 133¹-моддани киритиб, унда тижорат вакили бўла олмайдиган шахслар рўйхатини белгилаш;

- ЎзР ФКга тижорат вакиллиги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси асосида ҳам амалга оширилиши тўғрисида қоида киритиш.

III. Вакиллик муносабатларида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қолланиши ва вакилликнинг бекор бўлиши

3.1 Вакилликдан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва чоралари

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик ва уни қўллаш шакллари фуқаролик ҳуқуқининг барча институтларида ўзига хос белгилари билан ажралиб тургани каби вакиллик муносабатларида ҳам ўзига хос бўлган хусусиятларга эга ҳисобланади. Бу хусусият вакиллик муносабатларида фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳар иккала турининг мавжудлиги билан ифодаланади.

Бизга маълумки вакиллик қуйидаги икки турга бўлинади:

- биринчи, қонуний вакиллик иккинчи, шартномавий вакиллик ва ушбу шаклларнинг ҳар бирига нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳар хил тури қўлланилади. Биз бу ҳолатда биринчи ўринда қонуний вакилликдан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тўхталмоқчимиз. Кўриниб турганидек, қонуний вакилликда ваколат берувчининг эркига боғлиқ ҳолатда эмас, балки қонун ҳужжатлари асосида вакилга берилади. Айни вақтда қонунчилик ваколат билан бирга, вакилга бир нечта мажбуриятларни ҳам юклайди ва айнан ушбу мажбуриятларнинг бажарилмаганлигизарар етказишдан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтиради. Сабаби, қонуний вакилликда тарафлар ва учинчи шахслар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартнома асосида эмас, балки қонун ҳужжатлари асосида вужудга келади, яъни тарафларнинг ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик)лари натижасида зарар етказилади.

Маълумки, қонуний вакилликда вакил ўзига қонун ҳужжатлари асосида юкланган мажбуриятларини бажармаганлиги боис ваколат берувчи ва учинчи шахсларнинг мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларига зиён етказади. Бу

ҳолатда вакил иккита субъект олдида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар бўлади, биринчидан ўз ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли ваколат берувчига зарар етказгани учун, иккинчидан қонунда белгиланган ўз мажбуриятларини бажармаганлиги боис ўз васийлигидаги шахслар (муомала лаёқатсиз шахслар)нинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли учинчи шахсларга етказган зарари учун.

Қонуний вакилликнинг яна бир шакли ота-онанинг ўз болалари номидан ҳаракат қилиши ҳисобланади. Бунда ота-она ўз боласининг ўсиб ривожланиши, таълим тарбияси, парваришланиши, билим олиши ва барча хатти-ҳаракатлари учун тенг жавобгар ҳисобланади. З.Солиева болаларни вояга етгунча тарбиялаш ота—оналарнинг конституциявий бурчлари эканлигини, ва бу бурчларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида вояга етмаган болалар томонидан содир қилинган ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар учун, биринчи навбатда, ота—оналар моддий ҳам маънавий жавобгар бўлишини таъкидлайди⁶⁷.

ЎзР ФКнинг 1008-моддасида эса вояга етмаган шахснинг соғлиғига шикаст етказилганда зарарнинг ўрнини қоплаш асослари кўрсатилган. Бу норма ота-она, васий ва ҳомий ёки учинчи шахслар томониданда вояга етмаган шахснинг соғлиғига шикастетказилганда қўлланиладиган умумий норма ҳисобланади. Ушбу моддага мувофиқ, ўн тўрт ёшга тўлмаган ва иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахс мажруҳ бўлиб қолган ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган тақдирда зарар етказилганлиги учун жавобгар шахс соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Жабрланувчи ўн тўрт ёшга тўлганда, шунингдек, ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахсга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар учун жавобгар шахс жабрланувчига соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатлардан ташқари,

⁶⁷Солиева.С.К. Вояга етмаган болаларнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми.Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2012.

шунингдек, унинг меҳнат қобилияти йўқотилганлиги ёки камайганлиги билан боғлиқ зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш карраси миқдоридан келиб чиқиб, қоплаши шарт.

Агар вояга етмаган шахс соғлиғига шикаст етказилгунига қадар иш ҳақи (даромад)га эга бўлган бўлса, унда зарар ушбу иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиқиб, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш каррасидан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Соғлиғига илгари шикаст етказилган вояга етмаган шахс меҳнат фаолияти бошланганидан сўнг зарар учун тўланаётган ҳақни у оладиган иш ҳақи (даромад) ёхуд унга лавозими бўйича белгиланган ҳақ миқдоридан ёки у ишлаётган жойдаги айни шундай малакадаги ходимнинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиқиб, кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.

ЎЗР ФКнинг 993-моддасида қонунчилик ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгар бўлган шахсларни ва уларнинг жавобгарлик доирасини белгилайди. Ушбу нормага мувофиқ, ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган (кичик ёшдаги бола) томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, жавобгар бўладилар.

Васий ёки ташкилотнинг муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни тўлаш бўйича мажбурияти, унинг муомала лаёқати тикланган тақдирда ҳам тугамайди.

Агар васий вафот этса ёхуд зарарни тўлаш учун етарлича маблағга эга бўлмаса, зарар етказувчининг ўзи эса бундай маблағга эга бўлса, суд жабрланувчининг ва зарар етказувчининг мулкӣ аҳволини, шунингдек, бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлиқ ёки қисман зарар етказувчининг мол-мулки ҳисобидан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Лекин бу нормада агар зарар етказувчи муомалага лаёқатсиз

шахснинг ўзида ҳам бундай маблағ йўқ бўлсачи, деган масала очик қолдирилган.

Қонуний вакилликдан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликда юридик шахс раҳбарларининг жавобгарлиги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Маълумки, Ўз ФКнинг 45- моддасининг 3-қисмига мувофиқ қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт. Яъни, юридик шахсга зарар унинг вакилининг айби билан етказилса вакил бу зарарни ўз ҳисобидан қоплаши шарт ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998- йил 4-мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармонининг IV бандида эса хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканлиги. Пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланилмаганлиги, тўлов интизомининг бузилиши, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ва корхоналарни банкрот бўлиш даражасигача етказиш кўрсатиб ўтилган шахсларни қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликкача тортишга олиб келиши белгиланган.

Вакиллик институтида шартномавий вакиллик энг оммавий шаклдаги вакилликнинг бир тури ҳисобланади. Ушбу шартномавий вакилликдан келиб чиқадиган жавобгарлик ЎзР ФКдаги шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликдан келиб чиқадиган фуқаролик- ҳуқуқий жавобгарлик ҳисобланади. ЎзР ФКнинг 324-моддасига

кўра, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Бизга маълумки, шартномавий вакиллик топшириқ шартномаси асосида, юридик хизмат кўрсатиш бўйича адвокатлар билан тузилган шартномалар асосида вужудга келади. Бу иккита шартномада ҳам тарафлар ўзларига муайян мажбуриятлар олади ва агар ушбу мажбуриятларини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқади. Албатта, барча жавобгарликда бўлгани каби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асосларининг бири ҳам айбнинг мавжудлиги ҳисобланади. Айб энг умумий тарзда шахснинг ўзи қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли содир этган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига (ҳаракати ва ҳаракатсизлигига) руҳий муносабати сифатида таърифланади. Бунда шахснинг ўз хатти-ҳаракати оқибатларини англаб етиши унинг айбдорлигининг белгиловчи шарти ҳисобланади⁶⁸.

Шартномавий вакилликни вужудга келтирадиган энг асосий шартномаларнинг бири бу топшириқ шартномаси ҳисобланади, лекин бу шартнома ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради, ушбу шартномада вакилни топшириқни бажаришга мажбурлайдиган ҳуқуқий таъсир ўтказиш усуллари мавжуд эмас, шу боис у истаган пайтда шартномадан воз кечиши ва мажбуриятларни бажаришни тўхтатиши мумкин, бу ҳолатда эса ўз-ўзидан кўриниб турибдики, иккинчи тарафга зарар етказишга реал хавф бор,

⁶⁸Раҳмонкулов.Х. Мажбурият ҳуқуқи.Тошкент.2005.

кодексида эса фақат вакил манфаатлари ҳисобга олинган, яъни шартномадаги топшириқ вакил томонидан тўлиқ бажарилишидан олдин бекор қилинадиган бўлса, вакилнинг бундан кўрадиган зиёнларини ҳисобга олган ҳолда унга тўланиши керак бўлган харажатлар кўрсатилган. Фикримизча, қонунчилик ушбу шартномадаги мажбуриятларни бажармасликдан (айниқса топшириқ бажарилмаган ҳолат, уни бекор қилишдаги зарарлардан) келиб чиқадиган зарарлар учун жавобгарликни аниқ тарзда кўрсатган ҳолда 823¹- моддасини киритса мақсадга мувофиқ бўлар эди, айрим адабиётларда топшириқ берувчи томонидан топшириқнинг бекор қилиниши ва вакилнинг топшириқни бажаришдан бош тортиши топшириқ шартномасини бекор қилишга ҳуқуқий асос бўлиб, умумий қоидага асосан, топшириқ шартномасини бир томонлама бекор қилиниши иккинчи томонга шартномани бекор бўлиши билан боғлиқ етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб қилишга асос бўлмайди. ФКда ушбу қоида истисно қиладиган ҳолат кўзда тутилмаган. Шу билан бирга, шунга ўхшаш ҳолатларда томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми РФ қонунчилигида кўзда тутилган бўлиб, унда вакил ёки топшириқ берувчининг бир томонлама ҳаракати натижасида шартномани бекор қилиш имконияти мавжуд. РФ ФК 978-моддасининг 2 ва 3-қисмлари қуйидаги қоидаларни кўзда тутди: “Топшириқ берувчининг топшириғини бажаришдан вакилнинг бош тортиши топшириқ шартномасини бекор бўлиши билан боғлиқ етказилган зарарни қопламасликка асос бўлмайди, лекин топшириқ берувчи ўз манфаатларини бошқача ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатлар бундан ташқари, ҳамда вакилнинг тижорат вакили сифатида шартномани бажаришдан бош тортиши истисно қилиниши мумкин”. Масалан, топшириқ берувчи узоқ вақт чет элда хизмат сафарида бўлган вақтда вакил топшириқ шартномаси бажаришдан бош тортса, у дарҳол ўринбосар қўйишга ёки бошқа вакил тайинлашга имконияти бўлмаса. Вакилнинг бош тортиши натижасида ўз вақтида мулкни топширмаслик, мулкни сақлаш билан боғлиқ

харажатларни ўз вақтида тўлай олмаслик ва бошқа ҳолатларда топширик берувчига зарар етади. Модомики, топширик берувчининг ҳолати ўша вақтда ўз манфаатларини ҳимоя қилишга имкон бермаган бўлса, вакил топширик берувчига етказилган зарарни қоплашга мажбур. Бу қондани (вакил томонидан етказилган зарарни қоплаш) ЎзР ФКда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди⁶⁹.

Демак, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, вакиллик муносабатларидан келиб чиқадиган жавобгарликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини эътироф этиши мумкин:

- вакиллик муносабатларидан келиб чиқадиган жавобгарликда бир шахс ўрнига бошқа шахс жавобгар бўлиши мумкинлиги
- бир пайтнинг ўзида уч тарафнинг жавобгарлик муносабатларида иштирок этиши;
- бир тарафнинг ҳам вакиллик субъекти олдида ҳам учинчи шахслар олдида жавобгар бўлиши;
- ҳам шартномавий жавобгарлик ҳам зарар етказишдан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг мавжудлиги;
- бир пайтнинг ўзида фуқаролик жавобгарлик билан бирга маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги.

⁶⁹Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ II-жилд.-Ташкент:Vektor-press,2013 –б 813.

3.2.Фуқаролик ҳуқуқида вакилликнинг бекор бўлиш асослари ва тартиби

Вакиллик институтида вакилликнинг бекор бўлиши ўзига хос аҳамият касб этади, чунки бу айрим объектив ва субъектив сабаблар натижасида шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига таъсир этади. Вакиллик умумий тарзда қуйидаги сабаблар натижасида бекор бўлиши мумкин:

- муайян муддатнинг ўтиши билан, Н.Имомовнинг фикрича, вакил фақатгина белгиланган муддат давомида ўзига ваколат берган шахс номидан унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Қонунчилик ишончнома орқали вакиллик амалга оширилганда ҳам ишончноманинг қонунда белгиланган, аниқ вақт давомида амал қилишини мустаҳкамлайди. Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ ишончнома кўпи билан уч йил муддатгача амал қилиши мумкин. Бу муддат ўтгач ишончнома ва у асосдаги вакиллик бекор бўлади. Ишончномага нисбатан бундай талабларнинг қўйилиши шахсларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларига ва мажбуриятларига бепарво қарамасликлари ва турли хилдаги низоларни олдини олишни мақсад қилади. Зеро, муддатсиз ишончнома мулкдор мулкчини унинг ўзига қайтиши вақтини чўзилиб кетишига ва охиروқибат мулкдор зарар кўришига олиб келиши мумкин⁷⁰.

- юридик фактнинг содир бўлиши билан (фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади. Фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилинади. ЎЗР ФК 31- модда)

- вакилликдан кўзланган мақсадга эришиш (муайян ҳаракатни бажариб тугатиш)

- мажбуриятларни бажариб бўлиши муносабати билан (топширик шартномасига кўра топшириқнинг бажарилиб бўлиши билан)

⁷⁰Имомов.Н. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати.- Тошкент, 2005.-б 9-10.

Вакиллик бекор бўлишининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, бунда вакилликнинг ҳар бир тури ва шаклига боғлиқ ҳолда унинг бекор бўлиш асослари ҳам ҳар хил ҳисобланади.

Демак, қонуний вакилликни олиб қарайдиган бўлсак, у қуйидаги ҳолатларда бекор бўлади:

❖ Ота-она (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ўз навбатида, қонуний вакилликнинг бекор бўлишига олиб келади, ЎЗР ОКнинг 79-моддасига биноан ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда:

- ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;

- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

- ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки рухий таъсир кўрсатса;

- муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка, мубтало бўлган бўлса;

- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этишлик сўнгги чора бўлиб ҳисобланади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш уларга таъсир қиладиган ҳамма чора-тадбирлар тегишли натижа бермаганидан сўнг қўлланилади.

❖ Фарзандликка олишнинг бекор қилиниши ёки суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши, ЎЗР ОКнинг 168- моддасига кўра фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда, агар:

- фарзандликка олиш қалбаки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлса;
- фарзандликка олиш сохта бўлса;

- вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса;
- фарзандликка олувчи шахс ушбу Кодекснинг 152-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса, ҳақиқий эмас деб топилади.

Фарзандликка олиш қуйидаги ҳолатларда бекор бўлади, агар фарзандликка олувчилар:

- ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар;
- ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлсалар;
- фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар;
- муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсалар бекор қилиниши лозим.

Фарзандликка олинувчининг хулқ-атвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказаётган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олинувчи вояга етганидан кейин фарзандликка олиш бекор қилинишига йўл қўйилади.

Суд бошқа асосларга кўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир.

❖ Васийлик ёки ҳомийлик бекор қилинганда, Ўзбекистон Республикасининг «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ васийлик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- васийликдаги шахс вафот этганда;
- вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганда;
- вояга етмаган ота-онасига қайтарилганда;
- васийликдаги шахс фарзандликка олинганда;
- фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан тикланганда.

Вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганлиги сабабли васийлик тугатилгач,

васийнинг мажбуриятларини бажарувчи шахс белгиланган тартибда тайинланмаган ҳолда вояга етмаганнинг ҳомийси бўлиб қолади.

Ҳомийлик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- ҳомийликдаги шахс вафот этганда;
- ҳомийликдаги шахс вояга етганда;
- ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилганда;
- ҳомийликдаги шахс фарзандликка олинганда;
- фуқаронинг муомалала ёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарор и бекор қилинганда;
- вояга етмаган тўла муомалала ёқатли дебъёлон қилинганда (эмансипация);
- ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда;
- соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган

шахснинг соғлиғи яхшиланганда⁷¹. Васийлик ва ҳомийлик васий ва ҳомийнинг илтимосига биноан ҳам бекор қилиниши мумкин. Лекин ушбу ҳолатда кўрсатиладиган асослар узрли бўлиши талаб этилади (масалан, касаллик, мулкӣ ҳолатининг ўзгариши, васийлик ёки ҳомийликдаги шахс билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик, яшаш жойининг ўзгариши)⁷².

Ҳ. Раҳмонкулов васийлик ва ҳомийликни тугатиш васий ва ҳомийнинг шунингдек, улар ҳимоясидаги шахсларнинг ҳаётида юз берган турли ўзгаришларга боғлиқ эканлигини таъкидлайди⁷³.

Шартномавий вакилликда эса вакилликнинг вужудга келишига сабаб бўлган шартноманинг бекор бўлиши билан вакиллик тугатилади. ЎЗР ФКнинг 382–моддасида шартномаларнинг бекор бўлиш асослари кўрсатилиб, унга мувофиқ, агар ушбу Кодексида, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома

⁷¹ Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда.

⁷² Гражданское право. Учебник, I том, 3- ое издание под ред Е.А.Суханова. –Москва, Волтерс Клувер, 2005, с 191.

⁷³ Ҳ.Раҳмонкулов. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари.Т.: “Ўзбекистон” 2008.- б 40.

тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади. Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади. ЎЗР ФКнинг 383-моддасида эса шартнома бекор бўлишига яна бир асос сифатида вазиятнинг жиддий ўзгариши айтиб ўтилади. Вазиятлар жиддий ўзгаришининг бир қатор белгиларини ажратиш мумкин. Бу вазиятлар тарафларнинг назоратидан четда бўлиши лозим ва агар томонлар бу ўзгариш тўғрисида олдиндан билганларида (шартномани тузиш пайтида), шартнома умуман тузилмаган бўлар эди ёки сезиларли равишда фарқ қилувчи бошқа шартларда тузилган бўлар деб фарқ қилинади⁷⁴.

ЎЗР ФКнинг 823- моддасида топшириқ шартномасининг бекор бўлиши асослари аниқ тарзда кўрсатилиб, унга мувофиқ Топшириқ шартномаси:

- топшириқ берувчи топшириқни бекор қилиши;
- вакил топшириқдан бош тортиши;
- топшириқ берувчининг ёки вакилнинг вафот этиши,

улардан бирининг муомалагала ёқатсиз,

⁷⁴Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ II-жилд.-Тошкент:Vektorpress,2010.- б 798.

муомалалаёқатичекланганёкибедаракйўқолгандебтопилишинатижасидатўхта тилади.

Бизгамаълумки,вакилликнингвужудгакелишигаянабирасосишончномаҳи собланади.

ИшончномагаоиднормаларЎзРФКдааниқберилганваайнанЎзРФКнинг135-моддасидаишончномаасосидавуужудгакелганвакилликнингбекорбўлишасосла ритўликкўрсатилган, унгакўра :

- 1) ишончнома муддатининг тамом бўлиши;
- 2) ишончнома берган шахснинг уни бекор қилиши;
- 3) ишончнома берилган шахснинг бош тортиши;
- 4) номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;
- 5) номига ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;
- 6) ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши;
- 7) ишончнома олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомалага лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши.

Ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса ундан воз кечиши мумкин. Бу ҳуқуқдан воз кечиш ҳақидаги битим ҳақиқий эмас.

Ишончноманинг амал қилиши, бекор бўлиши билан уни бошқа шахсга ўтказиш ҳам ўз кучини йўқотади.

Франция қонунчилигига мувофиқ, ишончнома вакилнинг ваколатдан воз кечиши, вафот этиши ёки муомалага лаёқатсиз деб топилиши, шунингдек, ишончли шахс ёки ишонч билдирувчининг ишончномадан воз кечиши билан бекор бўлади.

Германияда вакил муомала лаёқатининг чекланиши хоҳиш-иродасини билдиришнинг ҳақиқийлигига таъсир этмайди. Ваколатлар ариза нашр қилиш орқали тақдим этилади. Бундай ҳолатда вакил учинчи шахслар билан муносабатда ваколатли, деб эътироф этилади. Ваколатсиз ҳолатда тузилган битим ваколат берувчи томонидан икки ҳафта ичида маъқулланган ҳолатлардагина ҳақиқий ҳисобланади. Ишончнома ОАВда эълон бериш орқали ҳам бекор қилиниши мумкин⁷⁵.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, ҳозирги кундаги қонунчилигимизда имкон қадар вакиллик субъектларининг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар яратилган, лекин фикрмизча, юқорида таъкидланган таклифларда қонунчиликда ўз ифодасини топса бу вакиллик муносабатларининг субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга замин яратган бўлар эди.

III боб бойича Хулоса

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозим, ушбу бобда вакилликнинг бекор бўлиш асослари ва тартиби, бунда аҳамиятли ҳисобланган юридик фактлар, уларнинг таҳлили, вакиллик бекор бўлганидан кейин унинг оқибатлари атрофлича таҳлил этилди. Бундан ташқари, вакиллик муносабатларидан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, унинг вужудга келиш асослари, вакиллик муносабатларига нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш шакллари, ваколат берувчи ва вакилнинг жавобгарлик доираси, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ва 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга этмаган шахсларнинг жавобгарлик хусусиятлари, шартномавий вакилликдан келиб чиқадиган жавобгарликнинг ўзига хос томонлари, унинг қонуний вакилликга нисбатан қўлланиладиган фуқаролик жавобгарликдан фарқли тарафлари таҳлил этилиб тегишли хулосаларга келинди.

⁷⁵ Вопросы, ответы и словарь терминов. 2-е изд. СПб.: СПбУУиЭ 2011.

2. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жамият ривожига вакиллик институтининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис бу соҳадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилса ва “Тижорат вакиллик тўғрисида” алоҳида қонун қабул килинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу қонунда тижорат вакиллигининг ўзига хос томонлари кенг тарзда талқин этилиб, унинг вужудга келиши ва бекор бўлиш асослари, ундаги тарафларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тижорат вакиллигининг турлари, уларнинг бир биридан фарқли томонлари акс эттирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунига 33¹ -моддаси қўшилиб, унда ҳомийликдаги шахсларнинг мажбуриятлари сифатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) ҳомийни ҳурмат қилиши;
- 2) ҳомийнинг шаъни, қадр- қимматини камситмаслиги;
- 3) жамоа олдида ва бошқа жойларда ҳомийнинг обрўсига путур етказадиган, унинг номига иснод келтирадиган ҳаракатлардан ўзини тийиши;
- 4) ҳомийнинг шахсий, оилавий ва ўзи билан ўзаро муносабатларга оид малумотларнинг сир тутиши;
- 5) ҳомийнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслик ва унга уларни бажаришда ёрдамлашиш;
- 6) ҳомийнинг маслаҳат ва кўрсатмаларига амал қилиш;
- 7) ҳомийнинг соғлиғига ва мол-мулкига зиён етказмаслик.

4. ЎзР ФКнинг 31-моддаси 1-қисми “Спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини ёки бошқа шахсларни оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин” деган таҳрирда ўзгартирилиши лозим.

5. ЎзР ФКга кома ёки летаргик уйқу (узоқ вақт беҳуш ҳолатда ётиш) ҳолатидаги шахсларга нисбатан “муомала лаёқатини тўхтатиб туриш” тушинчасини киритиш ва бундай шахсларга вақтинчалик вакил тайинланиши лозим.

6. ЎзР ФКга 133¹-моддани киритиб, унда тижорат вакили бўла олмайдиган шахслар сифатида қуйидагилар этироф этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

- Илгари вакилнинг ваколатларини суиистеъмол қилиши натижасида ваколат берувчи тадбиркорлик субъектига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлган ва бу ҳолат бўйича тегишли жавобгарликка тортилган шахслар;

- Тижорат вакили ўзига берилган топшириқни бажариб бўлганидан кейин ҳам савдо битимлари тўғрисида ўзига маълум бўлган маълумотларни сир сақлашига оид қоидаларни бузган шахслар;

- Иқтисодий соҳадаги жиноятлари учун ҳукм қилинган шахслар, судланганлик ҳолатининг олиб ташлангунига қадар;

- Ўз ваколатларини тегишли тартибда бажармаганлиги учун муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган шахслар.

Ушбу норма тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

7. ЎзР ФКга тижорат вакиллиги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси асосида ҳам амалга оширилиши тўғрисида қоида киритилса, тадбиркорларнинг тижорат фаолиятида ушбу ҳолат уларнинг фойдасига хизмат қилади, деб фикр билдирсак, муболаға бўлмайди. Чунки тадбиркорлик фаолиятига, тадбиркорларнинг жаҳон бозорига чиқишларига кўмаклашишда мамлакатимизда муҳим аҳамиятга эга кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бунга мисол тариқасида тадбиркорликнинг турли соҳалари бўйича мамлакатимизда ўтказилаётган кўргазмаларни келтириш мумкин. Шу билан бирга, ЎзР ФКга профессионал тижорат вакиллиги тўғрисидаги қонидани киритиш лозим. Бу ўз навбатида, тадбиркорларнинг тижорат билан боғлиқ фаолиятидаги, экспорт ва импорт билан боғлиқ муносабатлардаги фаолликларини ошишига хизмат қилади.

8. Оила қонунчилигида боланинг хусусий мулкига ота-онаси томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик асослари кўрсатилмаган, бу фукаролик қонун ҳужжатлари нормаларига ҳавола қилинган. Фикримизча, ЎзР ОКга боланинг мулкӣ ҳуқуқларига ота-онаси томонидан етказилган зарар учун

жавобгарлик асослари ва шакллари белгилаб берадиган модда киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

9. ЎзР ФКнинг 994-моддасининг биринчи қисмига ёки иккинчи ва учинчи қисмига тегишли ўзгартиришлар киритилиши керак. Агар иккинчи ва учинчи қисм нормалари вояга етмаганларга иқтисодий ёрдам дейдиган бўлсак, унда биринчи қисмга ўзгартириш киритган ҳолда “мустақил жавобгар” бўлади деган сўзнинг ўрнига “чекланган тарзда жавобгардир” деган иборани киритиш керак ёки иккинчи ва учинчи қисм нормаларини олиб ташлаган ҳолда вояга етмаганларни фуқаролик жавобгарликнинг мустақил субъекти сифатида тан олишимиз керак.

10. ЎзР ФКнинг 997-моддасининг ўзбекча матнини русча матнига мослаштириш керак. Чунки ушбу модданинг ўзбекча матнида муайян ноаниқликка йўл қўйилган. Бу ҳолат русча матн билан таққосланса яққол намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги қонунларга мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2008. – № 12. – 637-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –Т: Адолат, 2007.
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Расмий нашр. –Т: Адолат, 2007.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2007 й., 29-30-сон, 297-модда; 50-51-сон, 506-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг « Адвокатура тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67 модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси 2005 йил, № 9, 312-модда.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998- йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 50-51-сон, 515-модда.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”гинизоми.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 247-сонли қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 48-49-сон, 485-модда.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.:Ўзбекистон, 1993, 14-б
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Тошкент, Ўзбекистон, 1997. -137 б.
3. Каримов И.А. “Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон шаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир”
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2007 йил 8 декабрь.
4. Каримов.И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи.-13ноябр 2010 йил.
5. Каримов.И.А. Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: Соғлом она соғлом бола. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов халқаро симпозиум очилишидаги нутқи.
6. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир эркин ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий кафолати. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи.- 8-декабрь 2011 йил.

IV. Асосий адабиётлар:

1. Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти, уни амалга ошириш усуллари. Автореф. Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2005. -6 б.
2. Солиева.С.К. Вояга етмаган болаларнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми.Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2012.
3. Ашурова А.Н. Вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки. Ю.ф.н....дисс.-Тошкент: ТДЮИ. 2008,
4. Матқурбанов Р.Ж. .Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. Автореф. дисс...д.ю.н. –Ташкент, 2008. – с 14 .
5. Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли бошқаришни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Автореф. Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2008. -19 б.
6. Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли бошқаришни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2008. –б 102- 103.
7. Римское право. Под ред.Новицкий И. БИзд. 6-е, стереотипное.- М., 1997.-245с.
8. И.Б.Зокиров. Фуқароликҳуқуқи.Ќқисм.Тошкент.:2006. -б 173.
9. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ I-жилд.-Ташкент:Vektor-press,2010.-б 345.
10. Ж.Ўтегенов. Е Тилеўов. Р.Есбергенов. Юридикалык терминлердин қарақалпақшатусиндирме сөзлиги.Нөқис.:2003.-б 61.
11. А.П.Сергеева.,Ю.К.Толстой.Гражданское право.Учебник. - Москва.2005 .– С. 322-23 .
12. Л.Ю. Грудцина.,А.А.Спектор. «Справочник по гражданскому праву отадоя ».Феникс.2007.- с 222.

13. М.Ф.Лукьяненко. Гражданское право Российской Федерации. Общая часть: Учебное пособие. 2-е изд.; перераб. и доп. Тюмень: издательство Тюменского государственного университета. 2004. - с 182.
14. Постатейный комментарий к гражданскому кодексу Российской Федерации. частям первой, второй, третьей. / под ред. Т.Е.Абовой., М.М.Богуславского., А.Ю.Кабалкина., А.Г.Лисицына-Светланова; ин-т государства и права РАН. - М.: Юрайт-издат, 2008. - с 203.
15. Р.Дж.Рузиев. В.Р.Топилдйев. Фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент.: 2011. - б 213.
16. Гражданское право в 4-х томах. Том I общая часть учебник 3-е издание, переработанное и дополненное. Отв. Ред.- Е.А.Суханов. Москва ВолтерсКлувер. 2008. - с 542.
17. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ. II-жилд. -Ташкент.: Vaktria press. 2013. -б 253.
18. Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқи. Дарслик –Тошкент, ТДЮИ 2005. 161 б.
19. Федорова М.Ю. Медицинское право. М.: Владос. 2003. 96 б. (320).
20. Раҳмонкулов. Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент:, 2008. -б 36.
21. Гражданское право. Учебник, 3-е издание под ред Е.А.Суханова. –Москва, Волтерс Клувер, 2005, с 189.
22. Баратов. М. Х. Мулк ҳуқуқи. Т.: 2009. -б 58.
23. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари - фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Тошкент, ТДЮИ. 2004. –78 б.
24. Михеева Л.Ю. Доверительное управление в деятельности органов опеки и попечительства. Учебно-практическое пособие. -Барнаул, 1998. - С.133-134.

25. Имомов.Н. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати.- Тошкент, 2005.-б 9.
26. Гражданское право. Учебник. Часть I. Изд. 3-е, перераб. и доп. / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. М.: Проспект, 1998. С. 276;
27. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик.- Тошкент.: Адолат.2001.- б 92.
28. Олимова К.К. Суддаги вакиллик тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва белгилари.
29. Войтович.Л.В.,Ефремов.Н.А. Представительство в гражданском и арбитражном процессе: Учебное пособие.- Хабаровский: Хабаровский пограничный институт ФСБ России,2005.- с 41.
30. Гражданский процесс// Учебник. Под Ред. д.ю.н, проф. М.К. Треушников. – М.: Юриспруденция.2001.- с78.
31. Мамасиддиқов.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Тошкент.:2010,- б 193-194.
32. Юлдашева.Ш. Оила ҳуқуқи.- Тошкент.2009.
33. Гражданское право. Учебник I том. Под редакции проф Сергеева. –М.: 2009, с 590.
34. Р.Т.Мардалиев. Гражданское право краткий курс – Питер, 2006, с 46.
35. Зенин И.А. Гражданское и торговое право зарубежных стран: учебное пособие. - М., 2009. - С. 119-121
36. Мельник С.В. Профессиональное коммерческое (торговое) представительство: Автореферат диссертация ... кандидата юридических наук. - Санкт-Петербург, 2004. - С. 11.
37. Ҳ.Р.Раҳмонкулов. Мажбурият ҳуқуқи (Умумий қоидалар).Т.:2005.
38. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи (II қисм).Т.:2007.- б 608-609.

39. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида шарҳ III-жилд.-Ташкент:Vektor-press,2013.- б 249-250.

40. Толстой Ю. К. Обязательства, возникающие вследствие причинения вреда.//Гражданское право дарслигида. Ч.2. -М.: Проспект. 1997. 695-б.

V. Қўшимча адабиётлар:

1. Алексеев С.С. Общая теория права. Т.2. –М.: 1982.;
2. Иоффе О.С. Советское гражданское право. Курс лекций. –Л.: ЛГУ. 1958.;
3. Римское право. Под ред.Новицкий И. БИзд. 6-е, стереотипное.- М., 1997.;
4. Ершова Н.М. Охрана прав несовершеннолетних по советскому гражданскому и семейному праву. –М.: Юр.лит. 1965.;
5. Толстой Ю.К. К теории правоотношения. Л., Изд. ЛГУ, 1959.,
6. Флейшиц Е.А. Соотношение правоспособности и субъективных прав // В кн.: Вопросы общей теории права. - М.: 1960.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. Вестник РУДН, серия Юридические науки, 2009, № 4.
2. Чет тиллари луғати. – М.:1964.- б 784.
3. Юридическая энциклопедия. Юринформцентр. М.-1995й.
4. Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари. –Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2007. 57 б.
5. Вопросы, ответы и словарь терминов. 2-е изд. СПб.: СПбУУиЭ 2011

6. <http://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-otnoshenii-predstavitelstva-v-grazhdanskom-prave#ixzz2j1SPqcvV> (Кулагин М.И. Предпринимательство и право: опыт Запада. М.: Дело, 1992. С. 17; Основные институты гражданского права зарубежных стран. Сравнительно - правовое исследование. М.: Норма, 1999. С. 1.
7. http://www.juristlib.ru/book_1731.html.
8. <http://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-otnoshenii-predstavitelstva-v-grazhdanskom-prave#ixzz2j1SPqcvV>.